

МУҚАДДИМА

2005-2006 йил мобайнида Тошкентдаги Халқаро Вестминстер Университетининг бир гуруҳ ходимлари «Ўзбекистон олий таълим тизимида мустақил таълим салоҳиятини ривожлантириш» лойиҳаси устида иш олиб бордилар. Лойиҳанинг асосий вазифаларидан бири мустақил таълим унсурларини Буюк Британия (Лондондаги Вестминстер Университети мисолида) ва Польшада (Познань шаҳридаги Адам Мицкевич Университети мисолида) олий таълим тизимида тадбиқ этиш тажрибаси билан танишиш эди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида Ўзбекистонда олий таълим тизимида мустақил таълим соҳасидаги мавжуд шарт-шароитлар билан яқинроқ танишиш мақсадида Наманган, Андижон, Нукус, Қарши, Гулистон, Термез, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент университетлари ўқитувчилари, талабалари ва маъмурий ходимлари билан учрашувлар ташкил этилди. Мазкур лойиҳанинг натижаси сифатида илғор хорижий тажриба асосида ҳамда Ўзбекистоннинг институт ва университетларидаги ҳукмрон шароитни таҳлил қилган ҳолда мамлакатимизнинг олий ўқув юрларида мустақил таълим унсурларини тадбиқ қилиш бўйича Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлигига тегишли тавсиялар тайёрлаш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг устида ишлаш давомида унинг барча қатнашчилари жуда кўп янги ва қизиқарли маълумотларни ўргандилар. Ўқитувчи ва маъмурий ходимларнинг тажриба алмашинуви халқаро ҳамда Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб хизмат сафарида бўлганлар учун энг муҳим босқичга айланди. Юқори савиядаги расмий учрашувлар билан биргаликда бир қатор норасмий дўстона давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда ҳамкасблар таълим соҳасидаги ютуқлари билан бирга касбларининг қийинчиликлари билан ҳам ўртоқлашдилар.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ўқитувчиларининг ўз талабалари – ёш авлод тўғрисида тўлқинланиб сўзлашлари лойиҳанинг барча қатнашчиларини янада илҳомлантирди. Мана шу авлод изланувчан, ҳаракатчан, янги фикрларга

очиқ бўлган ёшлардан иборат бўлиб, улар фан ва ахборот технологиялар шиддат билан тараққий этган давримизда сифатли олий маълумотга эга бўлиш қанчалик муҳим эканлигини тўла ҳис этадилар. Айнан шунинг учун мустақил таълим учун салоҳиятни ривожлантириш бўйича мазкур лойиҳа ҳозирги кунда жуда ҳам долзарбдир. Лойиҳанинг натижалари таълим жараёнининг барча манфаатдор шахслар – маъмурий ходимлар, ўқитувчилар, ва албатта талабалар учун фойдали бўлади деган умиддамиз.

МАЗКУР ҚЎЛЛАНМАДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Вазирликка тақдим этиладиган тавсиялардан ташқари лойиҳанинг яна бир муҳим вазифаларидан бири ўқитувчилар ҳамда малака ошириш факультетлари услубиётчи мутахассислари учун қўлланма ишлаб чиқиш ва тайёрлашдир. Ушбу қўлланма уларни олий таълим тизимида мустақил таълим моҳияти ва таянч тушунчалари, шунингдек, унинг асосий тамойиллари ва самарадорлиги билан таништиради.

Юқорида қайд этилганидек мазкур қўлланманинг ўзига хослиги шундаки, у кенг оммага мўлжалланган. Қўлланма ҳам малака ошириш факультетлари услубиётчи мутахассислари тегишли ОЎЮ да ўқитувчилар учун семинар машғулотлари ўтиш жараёнида фойдаланиш учун, ҳам ўқитувчиларнинг ўзлари учун мустақил ҳолда ўрганиш ёки кафедра йиғилишларида муҳокама қилиш учун мўлжалланган. Яқин келажакда ўқитувчи бўлишга тайёргарлик кўраётган педагогик ОЎЮ талабалари учун мазкур қўлланма дастуруламал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Нопедагогик ОЎЮ талабалари ҳам қўлланма материаллари билан танишиши фойдадан холи бўлмайди.

Қўлланма икки қисмдан иборат – (1) ўқиш учун материаллар (2) қуйидаги мавзулар бўйича машғулотларни ишлаб чиқиш:

1. Мустақил таълим шароитида педагог -фасилитатор роли
2. Мустақил таълим шароитида педагогик маҳорат
3. Талабани мустақил бўлишга қандай қилиб ўргатиш мумкин

4. Мустақил таълим шароитида талабалар билимини баҳолашнинг асосий тамойиллари
5. Мустақил таълим шароитида талабалар билимини баҳолашнинг асосий турлари ва шакллари

Ўқиш материаллари ўқувчиларни мустақил таълимнинг асосий тушунча ва тамойиллари билан таништиради. Улар содда ва тушунарли тилда ёзилган бўлиб, баъзиларида иллюстрация ва жадваллар берилган.

Агар сиз юқорида келтирилган мавзулардан бири бўйича семинар машғулоти ўтказишга тайёргарлик кўраётган услубиётчи бўлсангиз, сизга ўқиш материаллари билан олдиндан танишиш тавсия этилади. Машғулотдан сўнг эса ўқиш материалдан тарқатма материал сифатида фойдаланиш мумкин. Ушбу китобдаги барча материаллардан нусха кўчириш ва истаган ўқув мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Услубиётчилар учун маслаҳат. Педагогик нуқтаи назардан семинар машғулотларни тингловчилар материални осонроқ ўзлаштиришлари учун семинар машғулотларини мазкур қўлланмада келтирилган тартибда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Агар сиз материаллар билан танишмоқчи бўлган ўқитувчи бўлсангиз, аввал семинар машғулоти учун ишланмалардаги топшириқларни бажариб кўринг. Улар сизнинг бор билимларингизни фаоллаштиради ва янги тамойилларни тушуниш учун яхши бошланғич босқич бўлиб хизмат қилади. Бунда янги тамойиллар тамомила янги бўлиб туюлмади ва тушунишни енгиллаштиради.

Семинар машғулоти ишланмалари билан қандай ишлаш керак? Авваламбор, бу машғулотлар ҳам малакали тренер-услубиётчи, ҳам тренерлик тажрибаси бўлмаган малакали ўқитувчилар томонидан ўтказилиши мумкин. Шундай қилиб, юқорида қайд этилганидек, семинарларни қўлланмада келтирилган кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади. Аввало ўтказмоқчи бўлган машғулотнинг мақсади билан танишинг. Сиз уни тўғри тушунганлигингизга ишонч ҳосил қилинг. Машғулот мақсадини овоз чиқариб бир неча бор қайтариб кўринг. Мақсадни бошқа сўзлар, синонимлар билан

ифода қилиб кўринг. Ўзгаларни ишонтирмоқчи бўлган фикрга ўзингиз тамомила ишонишингиз лозим. Кейинги вазифа – мавзу бўйича қўлланманинг биринчи қисмида келтирилган тегишли ўқиш материални кунт билан ўқиб чиқинг. Ўйлаб кўринг, бундан машғулотнинг қўйилган мақсадига эришиш учун етарли маълумот олдингизми. Агар сизда ишончсизлик ва тушунмовчиликлар туғилса, нафақат сизнинг мавзуингизга тегишли, балки барча ўқув материалларини ўқиб чиқиш тавсия этилади. Шунда ҳам қониқмасангиз, кўшимча услубий адабиётларни ёки маълумотларни Интернет тармоғидан излаш мумкин.

Сўнгра машғулотдаги барча топшириқлар билан танишинг, улар бўйича тингловчиларга тўғри кўрсатмалар бера олишингизга ишонч ҳосил қилинг. Албатта вақт ҳақида ҳам ўйлаб кўринг. Семинар машғулотга ажратилган вақт учун материал етарлими? Ёки тескариси, мавжуд материални ўтиш учун вақт етарлими? Машғулот қатнашчилари сони ҳақида ва уларнинг дарсда ишлаш тартиби ҳақида – гуруҳларга бўлинибми, жуфт бўлибми, ёки ялпи муҳокамалардами - ўйлаб кўриш жуда муҳимдир. Агар сиз материалларни диққат билан ўқиган бўлсангиз, уларда машғулотларни қайси тартибда ташкил этиш лозимлиги айтиб ўтилган. Аммо бу қўлланмалардаги кўрсатмаларга кўр-кўрона амал қилишга мажбурсиз дегани эмас. Аксинча, агар сиз у ёки бу топшириқни ўзга тартибда ўтказса мақул бўлади деб ўйлангангиз истаганингизча йўл тутинг. Агар муҳокама чўзилиб кетиб, ҳамма топшириқларни бажаришга улгурмаган бўлсангиз безовта бўлманг. Битта машғулот ўрнига иккита ўтказиб, машғулотларга мантиқий яқун ясаган маъқул.

Кўрғазмали қўлланмалар ва тарқатма материалларни ҳам тайёрлаб қўйиш ёдингиздан чиқмасин. Малакали тренер маслаҳати: агар имкон бўлса флипчарт қоғозидан фойдаланинг, чунки синф тахтасида ёзилганлар ўчиб кетиб, эсдан чиқиши мумкин, флипчартни эса сақлаб қўйиш ва келгуси машғулотларда уларга ҳавола қилиш мумкин. Бу айниқса машғулотлар оралиғи бир ёки икки ҳафта бўлганда жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, сўнгги қилинадиган асосий иш - машғулотни қандай қилиб мантиқий тугаллаш лозим. Машғулот мақсадларини яна бир бор қайтариб, қатнашчилардан уларнинг фикрича машғулотнинг қўйилган мақсадларига эриша олган ёки олмаганлигини сўрашингиз мумкин. Қатнашчилардан муҳокама қилинганларни қисқача баён этиб, хулосалар чиқаришга давъат ҳам этсангиз бўлади. Машғулот сўнггини эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки бу маълумотларни қабул қилиш ва тушунишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Унутмангки, сиз инсонлар билан ишлайсиз, кўпроқ жилмайинг, ҳаммаси тушунарлими йўқми қизиқинг, тингловчиларингизнинг фикр ва мулоҳазаларига, таклиф ва хохишларига эътибор беринг.

Мазкур қўлланма муаллифлари сизларга қўлланма билан ишлаш осон ва қулай бўлиб, машғулотларингиз тингловчиларга ёқади, қолаверса бу қўлланма барча учун фойдали бўлади, деб умид қиладилар. Сизларга омад ёр бўлсин!

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ НИМА

Мазкур лойиҳа доирасида олий таълим тизимида мустақил таълим талабаларнинг билим олишдан мақсадлари ва шу мақсадларга қандай эришишлари – мавжуд ўқув ресурслардан фойдаланган ҳолда амалдаги ўқув дастурлари доирасидаги материалларни қандай ўзлаштиришлари бўйича мустақил қарор қабул қилишларини назарда тутди. Ўқитувчилар талабаларни таълим олишдаги индивидуал стратегияларни шакллантириш бўйича талабаларнинг интилишларини олқишлаш ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гуруҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими; талаба вақтини кутубхонада ўтказадими; ёки унга Интернет тармоғидаги мавжуд электрон материаллардан фойдаланиш қулайроқми – мустақил таълим шароитида талаба ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи яхши билиши керак. Талаба олган билимлари сифатига жавобгарликни ўзига олиши кутилади. Талабаларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи маърузаларда бераётган мавзулар бўлиши керак эмас.

Талаба ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Баъзан мустақил ҳолда ўқиш ва мустақил таълим тушунчалари адаштирилади. Мустақил ҳолда ўқиш расмий ўқув жараёнидан ташқарида кечиши мумкин, яъни муайян ўқув юртига бормай туриб, уйда ўз материаллари асосида мустақил, индивидуал ҳолда ўқиш, таълим олиш мумкин. Бу қизиқ педагогик ҳодиса бўлсада, ушбу лойиҳада мустақил ҳолда ўқиш (ўқув юртига бормай туриб таълим олиш) ўрганилмайди. Мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимиз келажаги учун мустақил фикрлайдиган, билимли ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида расмий олий таълим тизимида мустақил таълим унсурларини тадбиқ этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган педагогик чора-тадбирлар таҳлил қилинади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГ – ФАСИЛИТАТОР РОЛИ

Синфда ҳамма банд. Талабаларнинг бир гуруҳи ўқитувчи билан иккинчи семестрда ўтиладиган машғулотлар режасини муҳокама қилмоқда. Баъзи мавзулар, масалан, ишчи ўқув режада кўрсатилганидан ҳам кўпроқ вақт талаб этади. Бошқа баъзи мавзулар биринчи семестрда ўтиб бўлинган – ҳаммага қизиқарли бўлиши ҳамда курснинг мақсадларига эришиш учун яна қандай мавзулар танлаш бўйича умумий қарорга келиш керак. Иккинчи гуруҳ талабалари шуғулланишлари керак бўлган дарсликни таҳлил қилмоқдалар, қўшимча материаллар керак бўладими йўқми, керак бўлса қандай материаллар бўлиши кераклиги тўғрисида бош қотиришмоқда. Яна бир гуруҳ якуний баҳо олиш учун талаб этиладиган, ва барча талабалар бажаришлари лозим бўладиган лойиҳа ҳақида ўйламоқдалар.

Талабаларнинг нималар билан банд эканликларининг таърифини ўқиб, беихтиёр савол туғилади – бизнинг оддий университетимизда шундай бўлиши мумкинми? Ўқитувчи нега бундай йўл тутди? У талабалар учун улар бутун семестр давомида нима билан шуғулланишлари қизиқ ва муҳим бўлган шароитни қандай ярата олди? Ушбу саволларга жавоб бериш учун келинг, ўйлаб кўрайлик, ушбу ўқитувчининг роли қандай? У нега бундай йўл тутаяпти? Унинг ишонч ва қадриятлари қандай?

Ўқитувчининг ролига анъанавий қараш

Одатда ўқитувчининг вазифаси талабаларга ўз билим ва кўникмаларини бериш деб тушунилади. Бундай қарашга асосан талабага «нима», «қачон» ва «қандай» қилиб бериш бўйича ўқитувчи қарор қабул қилади ва синфда кечадиган барча жараёнларнинг ягона хокими, диктатори ҳисобланади. Дарҳақиқат, ўқитувчи тасдиқланган ўқув дастур ва ишчи ўқув режага мувофиқлигини таъминлаш мақсадидаги синфда кечадиган жараёнларни назорат қила олиши мумкин ва лозим. Аммо ўқитувчи талабалар хаёллари ва қалбларида кечадиган жараёнларни назорат қила олмайди. Ҳозирча бу мулоҳазаларимизни тўхтатиб, бу мавзуга кейинроқ қайтайлик.

Шундай қилиб, ўқитувчи азалдан билимлар «эгаси» ҳисобланган ва одамларга «яхшилиқ» ва «абадият» улашиши лозим бўлган. Агар ўқитувчиликнинг келиб чиқиш тарихига назар солсак, бунда биз ушбу касбни, аниқроғи ўқитувчининг ролининг илдизи китобларни чоп этиш эндигина ривожланган даврга тақалишини аниқлай оламиз. Бу вақтда китоблар кам учрайдиган ва ноёб бўлганлиги сабабли улардан фақатгина кишиларнинг тор доираси фойдаланган. Ушбу инсонлар зиёли бўлиб, ўқишни билганлар, сўнг китоблардан ўқиганларини бошқаларга айтиб берганлар. Бундай сўзамоллар бугунги кундаги ўқитувчиларнинг аждодлари бўлиб саналади. Аввалги даврдаги уларнинг тингловчилари учун мавзуни танлаш имконияти бўлмаган, сўзамоллар айтган “ҳақиқат”ни эшитаверганлар, шу сабабли ушбу зиёли инсонларни барча билимларнинг “эгаси” ва “билағони” деб қабул қилганлар.

Кейинчалик олдинги даврдаги сўзамолларнинг вазифаси каби ўқитувчиларнинг вазифаси талабаларга билим ва кўникмаларни шахсий ва бошқа ўқитувчиларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда етказиш бўлди. Бунда ўқитувчи барча соҳани билувчи ва тушунувчи, ўқувчи эса ҳеч нарсани билмайдиган ва тушунмайдиган деб қараларди, шунинг учун ўқитувчи билганини ўқувчи ҳам билиши лозим деб қабул қилинган эди. Шундай қилиб, талабанинг вазифаси ўқитувчи билган ва қиладиган амалига тақлид қилиш, кўчириш, ёдлаш деб ҳисобланган. Бошқача қилиб айтганда, ўқув жараёнини ташкил қилиш тамомила ўқитувчига боғлиқ эди.

Ўқитувчининг ўзгача роли

Цивилизация ривожланиб борган ва олдинга интилган. Инсонлар мактабларда, университетларда ва бошқа ўқув масканларида кечаётган жараёнлар ҳақида кўпроқ, чуқурроқ мулоҳаза юрита бошлаганлар. Нима учун ўқув жараёни доим ҳам самарали бўлмаган? Нима учун иқтидорли, саводхон, зиёли ўқитувчиларда илмни ўзлаштира олмайдиган, билимсиз, саводсиз ўқувчилар пайдо бўлган? Наҳотки анъанавий ўқитувчилик тушунчаси хато бўлган? Балки ўқув жараёнидаги барча ҳолатлар фақат ўқитувчига боғлиқ эмасдир?

Кўпгина бугунги кундаги педагоглар ва олимлар ўқитиш жараёнини ўрганганлар ва ўрганишни давом эттирмоқдалар.


Инсон қандай қилиб илм ўрганиши ҳақида кўпгина турли хил назариялар, қарашлар мавжуд. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатича, ўрганиш ва таълим олиш жараёнига унификациялаштирилган, бир хил ёндашиб бўлмайди, чунки ўрганиш жараёни ҳар биримиз учун индивидуал. Шунингдек, у жуда кўп омилларга ҳам боғлиқ – об-ҳаво шароити, ўқитувчига бўлган шахсий муносабат, ўқишдан ташқари ишлар билан бандлиги, оилавий шароит, жисмоний ҳолат – буларнинг ҳаммаси, интеллектуал билимлар ва бошқалардан ташқари, талабанинг дарсларда ва ундан ташқарида фаоллиги, ўқишга бўлган иштиёқи, ўзлаштириш даражасига таъсир қилиши мумкин. Буларнинг ҳаммасини ўрта аср ўқитувчиси инобатга олганми? Бизчи ҳозир инобатга олаёلمизми?

Маърузачи, Ўқитувчи, Фасилитатор? (А. Андерхил қарашлари асосида)

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ҳар доим ҳам ўқитувчилик соҳасида ҳаммаси текис, равон бўлавермаган. Ҳар доим ҳам ўқитувчи талабанинг «бўш хум»ини билим билан тўлдиролмаган. Ўқитувчига нима ғов бўлган – балки педагогиканинг анъанавий қонуниятларидир?

Рисоланинг ушбу қисмида педагогик фаолиятнинг уч асосий шакли кўриб чиқилади. Маърузачи, Ўқитувчи ва Фасилитатор бу қисмда атама сифатида қабул қилинади. Англашувмовчиликни олдини олиш учун шуни қайд этиш лозимки, Маърузачи бу ерда – маъруза ўқийдиган одам ёки ўқитувчи – фақат ўқитадиган одам ва ҳ. деб қаралмайди. Бу сўзлар бу ерда чуқурроқ тушунчаларни баён этиш учун атама сифатида ишлатилади.

Шундай қилиб, **Маърузачи** – бу истаган умумтаълим масканидаги ўз фани бўйича юқори савиядаги билимларга эга ўқитувчи. У дарс берадиган фани соҳасидаги билимларини китоблар ўқиш, ҳамкасблар билан мулоқот, касбларига оид журналлар, уюшмаларда аъзолик ва бошқа йўллар орқали мунтазам ошириб боради.



У, одатда, турли анжуман ва семинарларда тез-тез қатнашиб туради, ўзи ҳам уларда маърузалар ўқийди, илмий асарлар ёзади, ва умуман уни ҳамма ўз фанини пухта ва яхши билганлиги учун ҳурмат қилади. Чапдаги расмда Маърузачи битирувчи қалпоғи билан тасвирланган бўлиб, у ақл, илм-фан тимсоли ҳисобланади. Маърузачи ўзининг асосий вазифаси ўз фани доирасидаги

билимларни талабаларга бериш деб ҳисоблайди. Аммо буни қандай қилиб амалга ошириш устида ҳар доим ҳам бош қотирмайди. Яъни педагогик услуб ва технологиялар унинг учун бирламчи масала эмас. Педагог сифатида қанчалик самарадорлиги унинг учун муҳим эмас. Энг муҳими – ўз фан

соҳасида етук мутахассис бўлиш. Маърузачи моҳиятини яққолроқ тушунтириш учун мисол келтирамиз. Испан тили ўқитувчиси Карлос. Ўз она тилида соф гапиради, унинг талаффузи бетакрор, сўз бойлиги чексиз. У жуда кўп китоб ўқиган, тил тарихи, испан тилида ҳизирги кунда кечаётган турли ҳодисалар ҳақида жуда кўп маълумотларни билади. Аммо унинг дарслари кўпинча зерикарли, талабалар маълум бир фразаларни тушунар-тушунмас ёд олишади. Фақатгина Карлос тил тарихи ҳақида сўзлаб берганда талабалар «уйғонишади». Уни барча ҳамкасблар мутахассис сифатида ҳурмат қилишади, ҳеч бир чет тиллар бўйича олимпиадаси Карлосиз ўтмайди. Талабалар ҳам уни чуқур билимлари учун ҳурмат қилишади, аммо улардан кўпчилиги испан тилида сўзлаша оламан деб мақтана олмайди.

Муаллимларнинг кейинги шакл-шамойили – бу **Ўқитувчи**. У Маърузачи сингари ўз фанини яхши билади. У ўз билимларини мунтазам ошириб боровчи юқори даражадаги мутахассис. Аммо Маърузачидан унинг бир муҳим фаркли тарафи бор.



Чуқур билимлари билан биргаликда, Ўқитувчи бу билимларни талабаларга қандай қилиб етказиш билан ҳам қизиқади. У педагогика фани билан университет курсларида танишган, лекин бу билимлар етарли эмас деб ҳисоблайди, шунинг учун педагогик янгиликлар уни доимо қизиқтиради.

Айтиш мумкинки, у педагогик технологиялар тўғрисидаги янги фикрларни доимо излайди. У ўзининг дарс бериш услубларини олган янги билимлари нуқтаи назаридан тез-тез ўзгартириб туради. Гоҳида талабалар унинг янгиликлари, тажриба ўтказишларидан озгина толиқишади. Аммо, умуман олганда, талабалар изланишдан чарчамайдиган ўқитувчидан хурсанд. Ўқитувчининг ягона камчилиги шундаки у тамомила ўзи, ўзининг муаллимлик профессионализми ҳақида қайғуриш билан банд. У талабалар унинг янгиликлари тўғрисида нима деб ўйлашади, бу уларнинг ўрганиш, ўзлаштириш

жараёнига қандай таъсир кўрсатади, деган саволлар билан деярли қизиқмайди. Мисол тариқасида ёш ўқитувчи Умиданинг қандай ишлашини кузатайлик. Умида университетни аъло баҳоларга битириши биланок, уни математика факультетида дарс беришга таклиф қилишган. Шу билан бирга у магистратурада ўқишини давом эттирган. Факультет педагогик жамоаси ҳамда талабалар ёш ўқитувчини унинг билими, масъулиятлилиги ва шижоати учун ҳурмат қилишади. Фаолиятининг биринчи ўқув йилида у ўзидан катта, тажрибали ҳамкасбларининг дарсларини мунтазам кузатиб борди, математикани ўқитиш бўйича 2 та симпозиумда қатнашди, «Энг яхши математика ўқитувчиси» кўрик-танловига номзоди қўйилди, у доимо кўп ўқир ва янги педагогик технологияларни ўз дарсларида тадбиқ этарди. Умида билимдон ва ташаббускор сифатида танилди. Талабалар унинг дарсларини ёқтиришар, аммо баъзан ўзаро у ёки бу машқни нима учун қилаётганлигини тушунмаганлиги ҳақида ўртоқлашишарди. Умиданинг камчилиги талабалар билан ишлашида, дарс беришида қандайдир бир мунтазам, қатъий бир ёндашув йўқлигида эди. «Нега унақамас, бунақа йўл тутдинг» деган саволларга Умида ҳали қатъий жавоб бера олмасди.

Расмда Ўқитувчи илм-фан тимсоли билан (Маърузачининг тимсолидек) бирга ўқитувчилик кўникмаларининг тимсоли сифатида – шарлар билан жонглерлик қилаётган қўл.


Фасилитатор – педагогик касбининг энг юқори поғонаси. Ушбу касб соҳиби ўз фанини ҳамда педогогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчидир. Аммо унинг Маърузачи ва Ўқитувчидан фарқи у предметни эмас балки ўз талабаларини, яъни “у китобни эмас балки инсонларни ўқитади”. У ҳар бир талабани кадрлайди, унинг ҳам талаба, ҳам инсон сифатидага ўзига хос хусусиятларини яхши билади. Фасилитатор доимий равишда синфда бўлаётган жараёнлар ҳақида ҳар бир талабанинг фикри, тақриз ва таклифлари билан қизиқади. У синфдаги психологик муҳитга максимал даржада аҳамият беради. Унинг асосий вазифаси фақатгина билим ва кўникмаларни беришгина эмас, балки талабаларга билим ва кўникмаларни эгаллашда ўзларининг шахсий йўллари,ни,

узуллари топишга кўмаклашишда деб билади. Унинг устувор вазифалардан бири – талабаларга таълим олишда шундай стратегияларни шакллантиришга ёрдам бериши керакки, талаба билим олишда ўқитувчисиз ҳам қандай билим олишини ҳал қила олсин.

Албатта талабалар бундай эътибор ва муносабатни қадрлайдилар, улар ҳам ўқув жараёнини ҳар бир манфаатдор томонлар (ўқитувчи ва талабалар) учун самарали бўлишини хоҳлайдилар. Фасилитатор барча проффесионал ва педогогик саволларга тўғри жавоб бера олади. У, Умидадан фарқли ўларок, ўз педогогик фаолияти давомида нега у ёки бу амални қилаётганини англаб етади. У ҳар бир талабанинг кўнглига “калитни” топа олади.

ТАЛАБА

- Ўқув эҳтиёж
- Билим ва кўникмалар
- Хаётий тажриба
- Қадрият ва эътиқод
- Интеллектуал маҳорат
- Билим олишга бўлган ёндашув
- Ўқишга иштиёқ
- Фейл-атвор
- Маълумотларни қабул қилиш услуби



Мазкур чизмада кўриниб турибдики, биргина талабада бир қанча унсурулар мужжасам. Синфхонада эса бундай талабалар сони одатда 20 ёки 30 нафар, баъзи ҳолларда эса 100 нафаргача етади. Албатта ушбу “икир-чикирлар”га умуман эътибор бермай ҳам ўқитувчи ўз касби билан машғул бўлса бўлади. Лекин асл муаммо ушбу бир қанча омилларга етарли даражада эътибор бермаётган ўқитувчини қанчалик ўз касбини устаси деб аташ мумкин?



Фасилитатор ҳар доим унинг олдида ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатига бир хилда жавоб берадиган унификациялаштирилган, стандарт шаклдаги ақл эгалари эмаслигини тушунади.

Шундай қилиб фасилитатор дарс ўтиш давомида ўз билими билан бўлишади, аммо шу билан бирга билимларини талабаларга мажбурий тарзда сингдиришга уринмайди. У педогогик технологиялардан, қайси услубни нима сабабдан қўлланилишини англаган ҳолда оқилона ва мохирона фойдаланади. Дарс ўтиш мобайнида у ахборотларни турлича қабул қиладиган, турли ақлий салоҳиятга эга, турли тарбия топган талабаларнинг хилма-хиллигини назарда тутиб, уларнинг ҳар бирига табиийлик ва усталик билан индивидуал ёндашади.

Юқорида ўртага ташланган саволга қайтар эканмиз, дарҳақиқат, ўқитувчи қанчалик ўз касбининг устаси бўлмасин ўз талабаларининг тафаккур жараёни ичига «кириб бора олмайди». У талабага ўзининг билимини ўрганиш, тушуниш ёки амалда қўллашни «буюра олмайди», аммо у талаба буни ўз хохиши билан қиладиган муқобил муҳит ярата олади. Мана бу Маърузачи, Ўқитувчи ва Фасилитатор маҳоратини ўзида мужассамлаштирган ҳақиқий Педагогнинг сир-синоатидир. Мазкур рисола ҳақиқий фасилитатор қандай фикрлаши ва ўзини қандай тутишини яққол кўрсатувчи мисол тариқасида оддий бир педагогнинг дарсини таърифлаш билан бошланган эди. Бизнинг муаллифлар гуруҳига юртимиздаги университетлардан бирида фаолият кўрсатиб келаётган бу педагог билан учрашиш, суҳбатлашиш насиб этган. Шунинг учун ишонч билан айта оламизки, бундай ҳолат сиз билан бизнинг воқелигимизга айланиши мумкин, бунинг учун биз педагогик меҳнат фаолиятимиз давомида эришган ютуқларимиз билан ўртоқлашишимиз, кечинмаларимизни мунтазам таҳлил қилиб, олға юришдан чарчамаслигимиз даркор.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

Илк бор синфхонага кирган пайтингизни эслай оласизми? Сизга 30 жуфт кўзларнинг синчков нигоҳи қадалган, сиз совуқ терга ботдингиз, қўллар қалтирайди, оғзингиз қуриб кетди, тиззаларни ҳам қалтироқ босган. На аутотренинг, на чуқур нафас олиш, хаттоки йўлакда 5 дақиқа югуриш ҳам ёрдам бермаяпти. Сўнгра сиз ўзингизни қўлга оласизда дарсни бошлайсиз.

Шу ерда бироз чекинайликда бир машхур тиббиёт фанлар докторининг хаёти тарихига назар солайлик.

«1970-йиллар бошларида т.ф.д. Фокс бир қанча АҚШ университетларининг тиббиёт факультетларида маърузалар ўқиган. У қаерда дарс бермасин талабалар орасида доим машхур бўлган. Талабалар доим уни энг яхши муаллим сифатида эътироф этганлар. У талабаларни ўқишга, ўз фанини пухта билишларига илҳомлантирганлиги боис мактовларга лойиқ бўлган. Ҳақиқатда эса доктор Фокс профессионал актер бўлган, тиббиёт фани соҳасидаги билимларини эса кичик бир мақоладан олган».

Ҳамма ўқитувчилар ҳам актерлик маҳоратга эга эмас. Хаётда ҳам оддий дарс – театрлаштирилган сахна кўриниши ёки бир марталик шоу кўрсатув эмас – бу бутун семестр, ўқув йили, курс, ва ҳ. давомида мунтазам тадбиқ этиладиган педагогик жараён.

Қўлланманинг ушбу бўлимида қандай қилиб оддий ва шу билан бирга фойдали стратегияларни қўллаган ҳолда сизнинг педагогик фаолиятингизни янада самаралироқ қилиш борасида баъзи маслаҳатлар кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, фараз қилинг сиз биринчи дарсни бошладингиз. Асабланишни олдини олиш бу дарсни оддийгина қилиб бошлаш. Мисол учун, талабаларга эркин мавзуда ўзаро гаплашиб олишга озгина вақт ажратинг. Агар сиз уларга ҳозирги кунда ўрганаётган мавзуингиз бўйича риторик савол берсангиз бу яхши йўналиш бўла олади. Бунда «ice breaking» услубини қўллаш талабанинг асабийланиши ва хаяжонланишини олдини олади. Норасмий тарзда сиз ва талабалар ўртасида ким ўзини қандай тутиши юзасидан келишувга эришиш

жуда ҳам муҳим. Мисол учун, менинг ҳамкасбларим ва мен «ice-breaking» услубини ва “умумий шартнома” тузиш топшириғини уйғунлаштирамиз.

«Мен ҳар бир талаба доскада биттадан қоида ёзишини таклиф қиламан. Кейинчалик биз биргаликда уларни таҳлил қиламиз ва улар орасидан керакли ва тегишли бўлмаганларини ажратиб оламиз. Пировардида “тинчлик сулҳи” куйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

- Уяли телефонларни дарс мобайнида ўчириш
- Дарсга кечга қолмаслик
- Дарсга тайёргарлик кўрган ҳолда келиш ва унга ўз ҳиссасини қўшиш
- Бошқа кишиларнинг фикрига хурмат билан ёндашиш
- Семинар дарсларида ҳеч ким хатто ўқитувчи ҳам устунлик қилмаслик
- Бошқа биров сўзлашаётганда қўшилмаслик ёки унинг гапини бўлмаслик

Шундай қилиб, талабалар ўзлари ушба қоидаларни қабул қиладилар ҳамда уларга итоат қилишга розилик билдирадилар ва бу эса турли муаммоларни вужудга келишини олдини олади.

Масалан сиз бевосита маъруза материални тушунтиришни бошладингиз. Амалий тажриба шуни кўрсатадики, 99% ўзига бўлган ишонч фақатгина маъруза материални яхши билишдангина эмас, балки маърузанинг аниқ режалаштирилганлигидан ҳамдир. Ҳар бир маъруза ва семинарнинг мақсад ва вазифалари фақат сиз учун эмас, балки талабаларингиз учун ҳам аниқ ва тушунарли бўлиши лозим.

Ўзингизни талабалик даврингизни бир эсга олинг. Кўз олдимизга мудраб қолмаслик учун кўзларини ишқаган (чунки топшириқлар кўплигидан уйкуда ҳаловат йўқ), маърузачининг гапини мағзини тушунмай сўзма-сўз ёзиб олиб, имтиҳон арафасида ушбу ёзувларни тушуниб оларман деган умидда бўлган талаба келади. Профессор Бигс ўз тадқиқотларида шуни кўрсатдики, талабалар маърузачини диққат билан 15-20 дақиқа тинглагандан кейин бошқа фикрларга чалғийдилар. Бостон ижтимоий гуруҳи томонидан талабалар орасида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, маъруза давомида талабаларнинг 25%и маърузани кунт билан эшитадилар, 25%и “узук-юлуқ” эшитадилар, 50%и эса маърузага умуман оид бўлмаган нарсалар ҳақида ўйлайдилар. Хўш, талабаларнинг чарчокли кўзларини, хаёлан дарсда эканликларини эсдан чиқарганликларини кўрганда нима қилиш керак?

Ушбу саволга жавобларнинг бири жуда ҳам осон. Бунинг учун маърузангизни шундай ташкил қилинги, унда сизнинг ҳамда талабаларнинг дарс мобайнидаги фаолияти тури ҳар 15-20 минутда ўзгарсин. Мисол учун дарсни монолог билан бошланг; сўнгра турли саволлар бериб (саволлар албатта кўп бўлиши шарт эмас) ушбу жарёнга талабаларни жалб этинг; маъруза мавзуси бўйича хаётий мисоллар келтиринг; келтирилган мисолларни талабаларга муҳокама қилиш ва ўз фикрларини билдириши учун имконият беринг; талабаларга ўз билимларини қўллай оладиган қандайдир бошқа шароит, холат ҳақида ўйлаб кўришни таклиф қилинги; ўз тажрибангизда рўй берган қизиқарли воқеалардан айтиб беринг, жуда бўлмаса талабаларга 5 дақиқа танаффус беринг. Агар маъруза давомида талабалар ҳар турдаги вазифалар билан машғул бўлсалар, бу дарснинг муваффақиятини 50 фоиздан кўпроғини таъминлайди. Дарс беришда яна бир муҳим тамойиллардан бири «талабадан бошла» деган ёндашувдир. Маъруза ва семинарларни шундай ташкил этинги, унда талабанинг бор билимлари фаоллашсин, ва мавжуд билимлари янги олинаётган билимлар билан ҳамжихатлашсин.

Яна бир муҳим маслаҳат – маърузани “бир” талаба учун, шу билан бирга ҳамма учун ўқиешга ҳаракат қилинги, бошқача айтганда, маърузани талабаларнинг

эхтиежлари билан боғлаб тушунтиринг. У еки бу материал келажакда уларга қандай ҳолатларда ас қотишини тушунтиринг.

Ҳар бир талаба билан кўз-кўзга тушсин, аудиторияда фақат ўртага ёки маълум бир қисмигагина қараманг. Талабаларга исмлари билан мурожаат қилинг ва уларга саволлар беринг. Жилмайинг ва берган жавоблари ва маърузада қатнашганликлари учун миннатдорчилик билдиринг. Талабаларни маъруза давомида ҳам саволлар беришга унданг.

Тиззалардаги қалтироқ ўтиб, илҳом париси сизга қўнди. Берилиб дарс ўтаётганингизда дарсга кеч қолган ва дарсда ўз хулқи ва интизомсизлиги билан ҳалақит бераётган талабалар мувозанатни бузади. Ўқитувчиларнинг одатий хатосига асло йўл қўйманг. Уларни эътибордан қўйманг, бундай қилсангиз уларнинг хулқини рағбатлантирган бўласиз. Ўтилган материални кеч қолганлар учун қайта тушунтирманг, бундай қилсангиз, сиз вақтни бекорга ўтказасиз ва бошқа талабаларнинг ғаши келиши мумкин. Дарсга эртароқ келинг, ҳеч қачон кеч қолманг, ўзингиз ибрат бўлинг. “Тўполончи” талабаларни тинчлантириш учун гоҳида унинг интизомсизлигидан курсдошлари азият чекаётганлигини айтиш кифоя қилади. Талабаларга танаффус эълон қилиб, унда хулқи ёмон талаба билан алоҳида гаплашиб олсангиз ҳам бўлади. Агар у ҳам кор қилмаса, университет раҳбарияти билан маслаҳатлашинг.

Маъруза сўнгида ўтилган материалнинг таянч тушунчаларини қайтариб, талабаларни қизиқтирадиган савол сўраш мақсадга мувофиқ бўлади. Талабалар бу саволни кейинги маърузагача ўзаро муҳокама қилишларига ишонсангиз бўлади ва навбатдаги маърузангизни муҳокама қандай натижа бергани ҳақида сўрашингиз мумкин.

Семинарни муваффақиятли ўтказиш маърузага қараганда қийинроқ кечиши мумкин. Семинар машғулотларда асосий муаммолар кўпчилик талабаларнинг тайёрланмай келишлари, бир ёки икки талабанинг бошқаларга гал бермай доимо дарсда жавоб бериши кабилар бўлиши мумкин. Семинарни муҳокамага айлантиринг, талабаларда профессионал даражада бир-бирлари билан

суҳбатлашиш имкони бўлсин. Дарсни осон ва очик саволлардан бошланг, талабаларни турли тарзда гуруҳларга ажратинг, талаба биладиган билимлари асос қилиб олинг, семинарни маърузага айлантирманг.

Талабалар бутун синф олдида фикрларини айтишга уялишлари мумкин, шунинг учун жуфт-жуфт ҳолда муҳокамалардан бошлаб, кейин пирамида, давра суҳбати, ақлий хужум -брейнсторминг (brainstorming) техникаларига ўтишингиз мумкин.

Педагогик фаолиятда муваффақият калити сизнинг олдингизда, йўқ, бу мазкур қўлланма эмас. Бунинг йўли осон – таълим жараёнига ўқитувчи назари билан эмас, талаба кўзи билан қаранг.

ТАЛАБАНИ МУСТАҚИЛ БЎЛИШГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎРГАТИШ МУМКИН

Синфда ҳамма банд. Болалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашмоқда. Столларда китоб ва журналлар талайгина. Кимдир нимадир ўқияпти, кимдир берилиб дафтарларига бир нималарни ёзмоқда. Синфхонада ҳамма иш билан бандлиги сезилиб турибди.

Ушбу дарснинг таърифини ўқиётиб, беихтиёр савол туғилади – ўқитувчи қани, талабалар мустақил ишлаётган бўлсалар ўқитувчи нима билан машғул? У талабаларга мунтазам назорат ва нима қилиш кераклиги тўғрисида қатъий кўрсатмалар керак эмаслигига қандай қилиб эришди. Баъзилар ўйлаши мумкин: «Қандай онгли талабалар! Ўқитувчининг омади бор экан». Аммо ҳаётда мўжизалар бўлмайди. Талабаларнинг онгли бўлиши – ўқитувчи ишининг самараси.

Қўлланманинг ушбу бўлимида мустақил, ўқитувчига қарам бўлмаган ҳолда ишлай оладиган талабани қандай қилиб тарбиялаш мавзусида мушоҳада юритилади.

«Мен таксига ўтирган йўловчиларга ўхшаб пул тўладим, энди манзилимга олиб бориб қўйишади қабилада университетда таҳсил оладиган талабаларга шубҳа билан қарайман. ОЎЮ – бу такси эмас, бу ижарага олинган машина. Сенга яхши автомобил беришади, аммо уни ўзинг бошқаришинг керак бўлади» - дейди университетда 17 йилдан бери ишлаб келаётган бир тажрибали педагог. Унинг қайд этишича, у ҳар доим талабаларни ана шу руҳда тарбиялашга уринганлигини айтди.

Одатда ўқувчи ўқитувчини билим ўчоғи ҳамда талабани қандай билим олишини яхши билгувчи инсон сифатида қабул қилади. Ҳақиқатда эса ўқитувчи талабаларни олий ўқув юртида ўқиши давомидагина уларга жавобгар бўлади, лекин у ҳар доим ҳам унинг ёнида бўладими? Талаба ўқув даргоҳини тамомлайди, ва бир ўзи ўз келажаги билан қолади. У меҳнат фаолиятини бошлайди, у ерда у, ва фақат у олган билимларини кўрсатиб, амалиётга тадбиқ эта олиши керак бўлади. Халқда бир нақл бор: «Бир кишига балиқ берсанг, у бир кун қорни тўқ юради. Бир кишини балиқ тутишга ўргатсангиз, сиз уни бир умрга тўйдирган бўласиз». Бугунги кунда бу азалий нақл ҳар доимданда долзарб. Давлатимиздаги замонавий иқтисод қонуниятлари ўз шартларини илгари сурмоқда, ва шунинг учун билимга фақат эгалик қилиш билан чегараланиб бўлмайди. Замон билан ҳамнафас бўлиш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўз устида доимий равишда ишлаш, ўз малакасини ошириб бориш даркор. Шунинг учун талаба ёшларнинг янги авлодини мустақил қарор қабул қила оладиган, билим олишига ўзи масъул бўла оладиган қилиб тарбиялаш эҳтиёжи сезилмоқда. Мустақил фикрлайдиган талабаларни тарбиялаш давлатимиз таълим тизимининг асосий мақсадларидан биридир.

Мустақил таълимнинг устувор омилларидан бири талабанинг билим олиши учун ўзи масъул бўлиши, жавобгарликни ҳис қилишидадир. У ўқитувчига қарам эмас, у нимани ва қандай қилиб ўрганишни ҳал қила олади. Бундай талаба ўзининг камчиликларини билади ва улар устида ишлайди. Бунда ўз таълимини мустақил режалаштириш қобилияти ҳам муҳимдир.

Анъанавий таълим билан талабанинг мустақиллигини шакллантиришга йўналтирилган таълим ўртасидаги фарқни қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Анъанавий таълим

Мустақил таълим

- | | |
|---|--|
| <p>∇ Талабалар ўқитувчининг кўрсатмаларини сустлик билан бажарадилар.</p> <p>∇ Ўқитувчи талабалар нима ўрганиши зарурлиги борасида қарор қабул қилади.</p> <p>∇ Талабалар ўқитувчига “қарам”, ўқиш жараёнида қандай ахборот манбаларидан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қила олмайдилар.</p> <p>∇ Дарсдаги машқлар талабаларни хаётий масалаларни ечишга тайёрламайди.</p> <p>∇ Талабалар ўқишга ҳаққоний қизиқмайдилар.</p> | <p>∇ Талабалар ўқиш жараёнида фаол иштирок этадилар.</p> <p>∇ Талабалар ўзлари нима ўрганишлари борасида қарор қабул қиладилар.</p> <p>∇ Талабалар тадқиқот кўникмаларини ривожлантирадилар, керакли адабиётларни мустақил танлайдилар ва маълумоларни қайта ишлайдилар.</p> <p>∇ Талабалар нафақат ўқиш учун, балки хаёт учун ҳам зарур бўлган амалий кўникмаларни шакллантирадилар.</p> <p>∇ Талабаларнинг дарсга қизиқиши ортади.</p> |
|---|--|

Талабаларимизга мустақил бўлишлари учун қандай ёрдам беришимиз мумкин? Жавоб оддийга ўхшайди – уларга қарор қабул қилишларига имконият бериш! Айтишга осон, аммо бунинг учун нима қилиш керак? Мана бир нечта амалий маслаҳатлар.

Маслаҳатлардан бири – талабаларга дарс мобайнида, ҳам уй вазифалари, ҳам курс ишлари ва бошқа турдаги ишларни бажаришда кичик гуруҳларда ишлашга имконият яратинг. Кичик гуруҳдаги ҳар бир талабанинг иштироки зарур бўлган топшириқлар тавсия этиш мумкин. Кичик гуруҳларда бажариладиган ишларнинг самараси қандайдир бир маҳсулот (тадқиқот, деворий газета, буклет ва б.) бўлиб, ҳар бир талаба уни тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиши керак бўлади. Кичик гуруҳларда бажариладиган оммавий топшириқлардан бири талабаларнинг ўтилган мавзулар бўйича такрорлаш тестлари тузишидир. Мана уни бажариш учун кўрсатмалар.

Такрорлаш тести

1. Синф кичик гуруҳларга бўлинади (одатда 3-4та).
2. Ҳар бир гуруҳ ўтилган мавзулар бўйича маълум бир миқдорда савол (ёки топшириқ)лар тузади.
3. Саволлар алоҳида қоғозга ёзилади, сўнг гуруҳлар ўзаро тестлари билан алмашадилар.
4. Гуруҳлар “рақиб” гуруҳ тузган саволларга жавоб берадилар, ва энг кўп саволга тўғри жавоб берган гуруҳ муваффақият қозонган деб ҳисобланади.

Ушбу топшириқнинг ижобий томони шундаки, унда талабалар учун яқка ҳолда эмас, гуруҳ билан биргаликда ўтилган материални қайта кўриб чиқиб, эсга туширишлари лозим бўладиган шароит яратилади. Бунда талабалар билмаган, ёддан чиқарган билимларини бир-бирларидан ўрганадилар, бундай топшириқ семестр охирида ўтказилса, талабалар материални ёдларига тушириб, имтиҳонларда яхши баҳолар олишлигига ёрдам беради. Барча гуруҳлар тузган топшириқларни бажаришни топшириш ҳам мумкин, яъни сизда 4 та гуруҳ бўлса, ҳар бир гуруҳ 3 та бошқа гуруҳ саволларига жавоб бериши керак бўлади. Гуруҳдаги ҳар бир қатнашчи барча саволларга жавобни билишлари кераклигини ҳам тушунтириш муҳимдир.

Гуруҳ лойиҳаси

Талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришнинг яна бир усули талабаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантирадиган ҳамда талабаларда ўзига бўлган ишончни орттирадиган лойиҳавий ишлардир. Лойиҳавий ишларни бажариш танланган мавзу бўйича материаллар йиғиш ва таҳлил қилишни ҳам ўз ичига олади. Масалан, талабалар гуруҳларда бажара оладиган маълум мавзудаги кичик лойиҳалар. Менинг ҳамкасбим бундай топширикни қуйидагича ташкиллаштиради:

1. Ҳар бир гуруҳ келтирилган рўйхатдан қайси мавзунини танлашни ҳал қилади:

Гуруҳ лойиҳалари учун мавзулар

1. Шаҳримиздаги университет ва институтлар
 2. Шаҳримиздаги кинотеатрлар
 3. Шаҳримиздаги театрлар
 4. Шаҳримиздаги болалар учун кўнгил очар боғлар
 5. Шаҳримиздаги кутубхоналар
 6. Шаҳримиздаги музейлар
 7. Шаҳримиздаги супермаркет ва бозорлар
 8. Шаҳримиздаги транспорт
 9. Шаҳримиздаги архитектура
2. Сўнгра ҳар бир гуруҳ танлаган мавзунинг 3/4 та (гуруҳдаги талабалар сонига қараб) йўналишлари ҳақида ўйлаши лозим. Бу йўналишларни тадқиқ этиб, натижаларини маълум вақт ўтгандан кейин ҳамманинг эътиборига ҳавола этишлари лозим бўлади. Ҳар бир йўналиш учун маълум бир талаба жавобгар бўлади, яъни у мавзунинг шу жаҳҳасида тадқиқот олиб боради.

Масалан:

Шаҳримиздаги кутубхоналар

1. Кутубхоналарнинг тўлиқ манзили, харитадаги жойлашуви, телефон рақамлари, иш вақти ва б. келтирилган рўйхат (Гулсара тадқиқ этади).
 2. Мазкур кутубхона таклиф этадиган хизматлар (Тимур тадқиқ этади).
 3. Кутубхоначи билан маълум мавзуда интервью (Наташа тадқиқ этади).
 4. Ҳисобот – кутубхонада ўтказилган бир кун: Шахсий тажриба ва олинган маълумотлар (Улуғбек тадқиқ этади).
3. Сўнги босқичда ҳар бир гуруҳ олинган барча маълумотларни жамлаб, тасвирлайдиган плакат тайёрлаши лозим бўлади.

Бундай вазифаларни бажариш учун талабалар синфдан ташқари ишлаб, изланишларини талаб этилади ва шу билан касбий ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга рағбатлантирилади. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, лойиҳавий ишлар учун мавзу ва топшириқлар хаётдан олиниши мумкин. Хаётнинг барча жабҳалари, шакл ва объектлари, уларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш ҳам синфхонада турли топшириқлар орқали, ҳам синфдан ташқари бажариладиган лойиҳавий ишлар учун топшириқ сифатида берилиши мумкин.

Талабаларнинг автоном (мустақил) ишлашларини ривожлантирувчи яна бир самарали топшириқ тури – бу муаммолар ечими топшириғи.

Муаммолар ечими

1. Талабалар гуруҳларда ишлайдилар. Уларга умумий ечим, қарор қабул қилишни талаб этадиган муаммоли матн ёки топшириқ берилади.
2. Талабалар муаммони муҳокама қиладилар ва биргаликда умумий қарорга келишга ҳаракат қиладилар.
3. Кейин гуруҳлар бир-бирлари билан фикр алмашадилар.

Масалан:

Сиз – космик кема жамоасиз. Кемангиз ойнинг ёруғ тарафида ташувчи космик кема билан туташishi керак. Аммо техник носозликлар туфайли сиз белгиланган жойдан 300 км нарида авария холатида қўнишга мажбур бўлдингиз. Қаттиқ қўниш туфайли кеманинг катта қисмига талофат етган. Сизнинг хаёт-мамотингиз ташувчи космик кемага етиб бора олишингизга боғлиқ.. Сизга 300 км масофага учуш учун фақат энг зарур предметларни танлашингиз зурур. Сизнинг вазифангиз жамоа учун белгиланган манзилга етиб олишларида керак бўладиган предметларни муҳимлик даражасига қараб таснифлашингиз ва улардан атиги 8 тасини танлашингиз зарур, чунки сиз фақат шунча нарсани олиб кетишга кучингиз етади.

- гугурт кутиси
- озиқ-овқат концентранти
- 20 метр нейлон арқон
- парусина
- портатив иситгич
- икки 45 калибрли пистолет
- бир коробка куюқлаштирилган сут
- икки 50 кг ли канистр тўла кислород
- юлдузли осмон харитаси
- кутқарувчи сол
- магнит компас
- 20 литр сув
- сигнал берувчи чирок
- биринчи ёрдам аптекаси
- қуёш батареикада ишлайдиган радио приёмник

Бундай турдаги топшириқлар одатда кизикарли муҳокамаларга олиб келади, талабаларнинг дунёқарашини, мулоҳаза юритиш, ўз нуқтаи назарини исботлаш, қарор қабул қилиш, ва умуман жамоа бўлиб ўқитувчига боғлиқ бўлмаган холда ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Ўқитувчи фақат вазифа шартлари билан таништиради, қолган ишларни эса талабалар ўзи бажаради.

Юқорида айтилганларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабаларда автономлик, мустақиллик ва онглиликни тарбиялаш мумкин ва зурур, ва бу ҳар бир ўқитувчининг қўлидан келади. Талабалар мустақиллигини ҳам дарсларда, ҳам дарсдан ташқарида ривожлантира бориш мумкин. Бундай ривожланиш талабанинг онглилик даражаси, олинган билим сифати ва ўқишга иштиёқининг ўсишига зарур шароит яратиб, мамлакатимиз келажаги учун муносиб авлодни тарбиялашга қўмаклашади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Сиз мунтазам бажарадиган ишингиз – талабаларингиз билимини баҳолаш ҳақида қачондир бўлса ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрганмисиз? Кўпинча сиз услубиётчилар тавсиялари ва баъзи шахсий кузатишларга таянган ҳолда буни автоматик равишда бажарсангиз керак. Бу ишни чуқурроқ ўйлаб, таҳлил қилишга одатда вақт ҳам етмайди. Келинг талабалар билимини баҳолаш муаммосига батафсилроқ тўхталайлик.

- Биринчидан, талабалар билимини текширишдан, баҳолашдан мақсадингиз нима эканлиги ҳақида чуқурроқ ўйлаганмисиз?
- Иккинчидан, талабаларни баҳолашнинг қандайдир қонун-қоидалари борми, қандай усуллар бор ва улардан қандай фойдаланиш керак?
- Учинчидан, бу жараёни қандай қилиб ҳам ўзингиз, ҳам талабаларингиз учун максимал даражада қизиқарли ва самарали қилиш мумкин?

Қўлланманинг ушбу бўлимида биз мана шу саволларга жавоб беришга, ҳам талаба, ҳам ўқитувчи учун баҳолаш жараёнининг ижобий тарафларини очишга ҳаракат қиламиз.

Очиғини айтиш керакки, талабалар – одатда ўта меҳнаткаш «халқ» бўлмайди. Уларнинг кўпчилигини дангасалик тутати ва ўқув юртини тугатиш ва сертификат ёки диплом олиш учун уларда қизиқиш, иштиёқ бўлиши керак. Ўқишни у ёки бу йўллар билан истаган баҳоларга битиришга ошиққан

талабалар талайгина. Аммо тиришқоқ, талабалик хаётининг энг асосий вазифаси билим олишлигига ишонган, билимга чанқоқ талабалар ҳам оз эмас. Ўқитувчи учун эса ўз навбатида баҳолаш ўзининг ўқиш жараёнига сингган меҳнати, уринишлари ва ҳаракатининг самарасини кўрсатадиган имкониятдир.

Шундай қилиб, талабалар билимини баҳолашга киришаётганингизда ишни нимадан бошлаш керак? Баҳолашнинг мақсад ва усулларини, яъни маълум бир баҳолаш усули орқали нимага эришмоқчи эканлигингизни ҳал қилмай туриб, талабалар ишини баҳолашга ошиқманг. Маълум бир фанни ўқитишдан олдин, талабалар шу курснинг сўнггида нималарни ўрганишларини ифодалашдан бошлаган яхши. Одатда бу маълум бир билим ва кўникмалар рўйхати сифатида бўлиши мумкин. Талабалар билимини баҳолашга тайёргарликнинг кейинги босқичи баҳолашнинг тегишли усули (шакли)ни танлашдир. Масалан, сиз талабаларингизни тадқиқот олиб боришга ўргатаётган бўлсангиз, баҳолаш шакли сифатида лойиҳа ишлари бўлиши мумкин. Талабанинг ўз нуқтаи назарини ифодалаш ва уни исботлаш маҳоратини текшириш учун оғзаки презентациялар кўл келади. Агар сиз талабанинг у ёки бу соҳани билишини текширмоқчи бўлсангиз рефератдан фойдаланиш мумкин. Иншолар ёрдамида талабаларнинг ўз фикрларини ёзма баён қила олишларини текширса бўлади. Сўнгра ҳар бир баҳолаш шакли учун баҳолаш мезонлари тузилади (талаба қайси ҳолларда “аъло”, “яхши”, “қониқарли” баҳо олиши мумкинлигини кўрсатувчи тизим). Барча босқичларни ўтганингиздагина сиз нимани қандай баҳолашингиз кераклиги ҳақида, сиз қанчалик ҳаққоний эканлигингиз тўғрисида ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Бу жараён, жумладан баҳолаш мезонлари ҳам шундай тузилган бўлиши керакки, у ҳамма учун – сизнинг супервайзерларингиз, бошқа ўқитувчилар, талабаларингиз учун тушунарли бўлиши зарур. Шунини қайд этиш лозимки, агар талабангиз сиз қўйган баҳодан норози бўлса баҳолаш мезонлари ёрдамида сиз нима учун у ёки бу баллни қўйганингизни исботлаб бера оласиз.

Шундай қилиб, асосий тайёргарчилик тугаганидан сўнг бевосита текширишга ўтса ҳам бўлади. Кичик, аммо ёқимли деталлар ҳақида унутманг. Ишларни текширишга ўтиришдан олдин ўзингиз учун қулай шароит яратинг. Бу жараён хатоларни қизил рангли ручка билан автоматик равишда чизишгина эмас, балки сиз учун ёқимли бўлиши керак! Аммо бунда эздан чиқармаслик керакки, текшириш ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Билимларни баҳолаш жараёнида яна бир муҳим босқич талабалар топшириқни қачон топшириш ва натижаларни билиш муддати белгиланиши зарур.

Энг кенг тарқалган баҳолаш шакли ёзма иш (курс иши, тадқиқот иши, истаган ёзма иш)ни текширишдан бошласак. Авваламбор, ўзингизга қулай шарт-шароит яратинг, ўқитувчининг ноқулай шароитда ёзма ишларни текшириши баҳолаш сифатига таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бир пиёла чой ёки қахфа дамлаб олсангиз ҳам бўлади, ва олға, текширишни бошланг. Текшириш учун ишлатаётган ручкангиз ранги ёзма иш ёзилган ручканинг рангидан фарқ қилиши керак. Иложи бўлса, ҳамма мактаб партасидан бери ўрганиб қолган қизил ручка бўлмасин, ўрнига нейтрал ранг (масалан яшил) бўлгани яхши. Бу талабалар тузатиш бўйича қилинган шарҳларингизни кўпроқ хоҳиш билан қабул қилишларидаги энг муҳим психологик омиллардан бири. Текшираётганда шуни ёдда тутингки, электрон мулоқот ривожини билан **талабалар плагиати (кўчирмакашлик)** номли муаммо авж олмоқда. Бунда талабалар курс, диплом ёки бошқа малакавий ишларни ўзлари мустақил бажармай Интернетдан кўчиришмоқда. Бизнинг юқори технологиялар ва деярли барчанинг интернетдан фойдаланиш имкони бўлган давримизда текширилаётган ишнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчига талаба ёзган иш қанчалик «тоза» эканлигини текширишда ёрдам берадиган электрон дастурлар ишлаб чиқилган, аммо улар анча қиммат туради, шунинг учун бу ишда сизнинг сезгирлигингиз, интуицияга ишонишингизга тўғри келади. Агар талаба ишни ўзи ёзганлигига шубҳалансангиз ҳамда сизда Интернетдан фойдаланиш имкони бўлса, текшириб кўришга эринманг. Изловчи тизимга (кўпинча Гугл (Google) ишлатилади) маълум бир таянч сўз ёки иборани киритинг. Албатта бу вақтингизни олади ва сизни асосий

жараёндан чалғитади, аммо ҳақиқат ва сифатни кафолатлаш мақсадида бундай қилиб туриш мақсадга мувофиқ. Плагиат жуда жиддий академик қоидабузарлик ҳисобланади, шу боис бундай қоидабузар талабаларни аниқлаш учун барча кучни сафарбар қилиш керак. Шунда бундай талабалар сони қисқариб, талабалар эса ўз ишларига жиддий ва ижодий ёндашишларига туртки бўлиши ажаб эмас. Бу билан сиз аввало ўқитувчилик меҳнатингизнинг сифати учун курашган бўласиз.

Ёзма ишларни кўриб чиқишда сиз ушбу ишни мақсади ҳамда талабанинг ўз устида ишлашга ва қандайдир амалий ишларни мустақил равишда бажаришга қанчалик тайёр эканлигини доимо ёдда тутишингиз лозим. Текшириш жараёнида вақти-вақти билан қисқа танаффус қилишни унутманг. Чунки сизни чарчашингиз олиб борилаётган текширувнинг сифатига ва ўз навбатида баҳолашга салбий таъсир этиши мумкин. Шунингдек, шуни ёдингизда тутингки, талабаларни баҳолаганда уларда доим НЕГА БУНДАЙ БАҲО ҚЎЙИЛДИ? деган савол туғилади. Бунинг учун, келгусида талабалар нега бундай баҳо қўйганлигингизни тушунтирувчи изоҳлар, ишни қандай қилиб яхшилаш бўйича таклифларингизни ёзма ёки оғзаки равишда баён этинг. Буни замонавий тилда «фидбэк» деб ҳам аташади. «Фидбэк»ни талабага вақтида, талаба ёзган иши эсдан чиқмасдан туриб, бериш керак. Албатта хар бир талаба учун ёзма ёки оғзаки тушунтириш кўп вақт талаб этади, бироқ бу баҳолаш жараёни сифатини юқорироқ даражага олиб чиқади. Фидбэк бериш бўйича баъзи маслаҳатлар:

- Агар оғзаки суҳбат бўлса, талаба ўзи ёзган иши ҳақида нима ўйлашини сўранг. У ишидан мамнунми-йўқми?
- Талабанинг гапларига яхшилаб қулоқ тутинг, унинг фикрларини изоҳларингизда ишлатишингиз мумкин.
- Сиз бераётган изоҳларингизда бирданига эътиборни хатоларга қаратманг, ишнинг ижобий жиҳатларини ҳам айтиб ўтинг.

- Ҳар бир танқидий изоҳга конкрет мисоллар келтиринг, шунчаки ёзманг (ёки айтманг).
- Танқид қилсангиз, уни яхшилаш бўйича таклифлар беринг.
- Кўпроқ саволлар беринг.
- Фидбэк бу фақат монолог эмас.

Юқорида кайд этилганларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкин:

- Талабалар билимини баҳолаш талабаларни қандай ўқитиш кераклигини англаган ҳолда амалга оширилиши керак.
- Баҳолашнинг мақсадлари олдиндан аниқ белгиланиши лозим.
- Баҳолаш самарали бўлиши лозим
- Ушбу жараён ҳаққоний ва зиддиятлардан фориғ ҳолда амалга оширилиши лозим.
- Баҳолашни барча турлари орқали талабалар ўзларининг материални қанчалик ўзлаштираётганликлари ҳақида ўқитувчининг фикр ва мулоҳазаларини, уни қандай қилиб яхшилаш бўйича таклифларини билиши керак.
- Баҳолаш ўқитувчи ва талабалар учун ҳам ўқув жараёнини, ҳам ўрганиш жараёнини акс эттириш имконини бериши керак.
- Баҳолаш ўрганилаётган бутун курснинг алоҳида қисми эмас, унинг ажралмас қисми бўлиб, мазмун ва шакл жиҳатдан бир-бирига мос келиши керак.
- Баҳолаш шакллари турлича бўлиб, курснинг мақсадларига мос келиши керак.
- Баҳолаш мезонлари аниқ белгиланган ва ҳамма учун тушунарли бўлиши керак.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Албатта барча ўқитувчилар баҳолашнинг тур ва шакллари танлашда давлат стандартлари, ўқув дастурларда белгиланган меъёр ва йўриқномаларга эгадирлар. Ушбу меъёрлар ўқитувчини чегараб қўяди деб ҳисоблаш мумкин, аммо, одатда, барча тизимларда ўқитувчилар баҳолашдаги топшириқ ва саволларни ўзлари танлаш имконияти мавжуд. Тажрибали ўқитувчи албатта шундай имкониятни топади, лекин бу ҳолда унга қандай баҳолаш услубини таклиф этиш мумкин ва нима учун? Ўтилаётган фан бўйича билимларни баҳолашнинг усул ва стратегиясини ўқув жараёни бошланмасиданоқ танлаш жуда ҳам муҳим масаладир, чунки одатда тажрибали ўқитувчилар учун барча назорат турлари “йўл кўрсатувчи маёқлари” вазифасини ўтайди ва ўқитувчи ўқув жараёни давомида талабаларини ана шу имтиҳонларга тайёрлаб боради. Аммо кўп ҳолларда ўқитувчилар баҳолаш мезонларини, шакл ва усулларини интуитив тарзда ҳамда тасдиқланган ўқув дастурига тамомила таянган ҳолда танлайдилар. Қўлланманинг мазкур қисми талабаларнинг билимларини баҳолашнинг усуллари ва турлари тўғрисидаги мавзуга бағишланган ва унда юқорида келтирилган баҳолашнинг турли мезонларига тегишли бўлган саволларга жавоб сифатида хизмат қила олади.

Талабаларнинг билимларини баҳолашнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлишига қарамай, одатда олий таълим муассасаларида уларнинг баъзиларигина қўлланилади. Бу турли сабабларга кўра бўлиши мумкин. Сабаблардан бири ўқитувчиларнинг бошқа усуллардан беҳабар эканликлари. Бошқа бир сабаб ўқитувчиларнинг маълум бир усулларга кўникиб қолганлигидир.

Талабаларнинг билимларини баҳолашнинг усуллари ҳақида фикр юритишдан аввал баҳолаш моҳияти ва мақсадларига мувофиқ икки турдаги назоратга бўлиш мумкинлигини қайд этиш лозим. Биринчи турдаги назорат жорий назоратдир. Бунда талабалар ўқув материални қанчалик ўзлаштиришганлигини текширишга қаратилган бўлиб, унда асосий мақсад бутун семестр давомида талабалар ва ўқитувчи ўртасида мунтазам алоқа

ўрнатишдадир. Бундай турдаги баҳолаш талабаларга қуйидагиларни белгилашга ёрдам беради:

- савиясининг ўсиш даражаси;
- материални қанчалик ўзлаштирилганлиги;
- қаерда камчиликлар борлиги, қайси масалаларга кўпроқ эътибор бериш кераклиги;
- ўқув курси бўйича муайян билим ва кўникмаларни ўзлаштириш бўйича талабанинг ёндашуви қанчалик самарали эканлиги.

Қолаверса, ўқитувчи учун бу турдаги баҳолаш дарс бериш услубининг самарадорлигини, талабалар ўзлаштира олмаган муаммоли масалаларни эртароқ аниқлашда кўмаклашади. Жорий назорат тури тез-тез ўтказилиб туради. Билимларни текшириш қанчалик тез-тез ўтказилса, талабаларнинг билимларидаги камчиликларни аниқлаш имкони шунча кўпаяди ва ўқитувчи ўқиш жараёнида бундай томонларга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қилади. Аммо бунда ўқитувчини ҳаддан ташқари кўп текшириш учун ишлар билан банд қилиб қўйилса, ўқитувчи ўз ишини сифатли қилиши, талабалар билан самарали мулоқот ўрнатишга қийналиб қолиши мумкин. Талабаларни ҳам ортиқча вазифалар билан толиқтириб бўлмайди, шуни ёддан чиқармаслик керакки, талабаларда бир семестрда бир эмас бир нечта фан ўқитилади. Жорий назорат турларини оқилона тақсимлаш муҳим масала ҳисобланиб, катта эътибор талаб этади.

Талабалар билимини баҳолашнинг иккинчи тури Яқуний назорат бўлиб, курснинг мақсадларига қанчалик эришилганлиги, ўқитилган материал талабалар томонидан қанчалик ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Яқуний назорат талабаларни ўзлаштира олган ва олмаганларга таснифлаш механизми ҳамдир. Бундай турдаги баҳолаш талабаларнинг расмий ҳолатига (стипендия миқдори, кейинги босқичга ўтиш-ўтмаслиги, академик даража олиш-олмаслигига ва б.) таъсир кўрсатади. Яқуний назорат одатда тез-тез ўтказилмайди, чунки у ўз моҳиятига кўра хулосаловчи, яқунловчи босқич

ҳисобланади. Бундай турдаги назорат тез-тез ўтказилса, талабалар материални ўзлаштиришига қайсидир маънода салбий таъсир кўрсатиб, рухий босимнинг кучайиши оқибатида талабалар бор кучларини таълим «жараёни»га эмас, балки «маҳсулоти»га «ташлашлари» мумкин, бу эса замонавий фикрларга кўра унчалик тўғри деб ҳисобланмайди.

Талабалар билимини баҳолаш шаклини танлашда ўқитувчи талабаларда шакллантиришни мақсад қилиб қўйган кўникма ва қобилиятларни эътиборга олиш керак. Қуйидаги жадвалда баҳолашнинг асосий шакл ва унинг мақсадлари келтирилган.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ШАКЛЛАРИ

Баҳолаш шакли	Ушбу шакл ёрдамида баҳолаш мумкин бўлган билим ва кўникмалар
<p>Одатий ёзма ишлар - талаба бир нечта мажбурий саволларга жавоб беради, ва қўшимча бир нечта саволлардан танлаш ҳуқуқи берилади.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ тифиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои фйодалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
<p>Олдиндан эълон қилинган саволлар ёрдамидаги ёзма иш - саволлар имтиҳондан бир қанча муддат аввал тарқатилади.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тадқиқот кўникмалари; ➤ манбалардан фойдаланиш маҳорати; ➤ таҳлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти; ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ қисқа муддат ичида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои фйодалаш

	<p>маҳорати;</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
Китоблар очик бўлган ҳолда ёзма иш - имтиҳон пайтида дарслик ва бошқа материаллардан фойдаланишга рухсат берилади.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати; ➤ китоб билан ишлаш кўникмаси;
Тестлар	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ билимларни тадбиқ қила олиш қобилияти; ➤ билимларни синтезлаш маҳорати; ➤ билимларни тўғри талқин қилиш қобилияти; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
Лаборатория ҳисоботлари, қайдлари	<ul style="list-style-type: none"> ➤ кузатиш кўникмалари; ➤ синовлар ўтказиш кўникмалари; ➤ таҳлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти; ➤ натижаларни талқин қилиш ва баҳолаш маҳорати;
Кузатув ўқув кундалик дафтари юритиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ёзма маълумотни тақдим қилиш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати;

Рефератлар	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ташкилий ва режалаштириш маҳорат ➤ маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш кўникмаси; ➤ танқидий баҳолаш; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати; ➤ танқидий муҳокама қилиш маҳорати
Хисоботлар	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш кўникмаси; ➤ танқидий баҳолаш; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати; ➤ танқидий муҳокама қилиш маҳорати; ➤ билимларни амалиётга тадбиқ эта олиш қобилияти;
Диссертациялар	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тадқиқ қилиш малакаси; ➤ танлаш кўникмаси; ➤ режалаштириш қобилияти; ➤ лойиҳани бошқариш маҳорати; ➤ танқидий фикрлаш; ➤ презентация қилиш маҳорати.
Адабиётлар/ матбуотни шарҳлаш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ адабиётларни (мақола ва б.) танқидий ўрганиш кўникмалари; ➤ баҳо бериш; ➤ хулосалар чиқариш; ➤ ўз нуқтаи назарини ифодалаш маҳорати;
Презентациялар (якка/гурӯҳ тартибида)	<ul style="list-style-type: none"> ➤ нотиклик маҳорати; ➤ имо-ишоралар тили; ➤ кўргазмали қуроллардан фойдаланиш кўникмалари; ➤ маълумотни тақдим қилиш ва

Плакатлар (якка/гурух тартибида)	<p>структуралаштириш кўникмалари;</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш маҳорати; ➤ жамоа (команда) да ишлаш кўникмалари; ➤ ишни тўғри тақсимлаш; ➤ ижодий маҳорат; ➤ кўргазмаларни қуроллар тайёрлаш маҳорати; ➤ графика тақдироти кўникмалари; ➤ хулосалаш кўникмалари; ➤ танлаш кўникмалари; ➤ фанга тегишли билимлари; ➤ жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари ;
Муайян ҳолатлар (Case studies)	<ul style="list-style-type: none"> ➤ муаммоларни ечиш қобилияти; ➤ назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш қобилияти; ➤ қарор қабул қилиш қобилияти;
Оғзаки имтиҳонлар	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тўғри ва ишончли сўзлаш; талаффуз; ➤ фикрларни қисқа муддат ичида кенгайтирмоқ; ➤ фанга тегишли билимлар; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш кўникмалари;
Гурух лойиҳалари	<ul style="list-style-type: none"> ➤ режалаштириш маҳорати; ➤ ишни тўғри ташкил қилиш ва уни бошқариш қобилияти; ➤ жамоа (команда) да ишлаш кўникмалари; ➤ масалаларни ечиш қобилияти; ➤ ижодий маҳорат; ➤ назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш қобилияти; ➤ таҳлил қила олиш қобилияти; ➤ ҳисоботлар ёзиш кўникмалари;

Портфолио	<ul style="list-style-type: none"> ➤ портфолио компонентлари ва ўтган вақтга қараб ўзининг ўсиш даражасини кўра олиш кўникмалари; ➤ вақтни тўғри режалаштириш маҳорати; ➤ жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари;
Кўрғазмалар	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ижодий маҳорат; ➤ тузилма (структура)ни тушуниш; ➤ кўрғазмали қуроллардан фойдаланиш кўникмалари; ➤ маълумотни тақдим қилиш ва структуралаштириш кўникмалари; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш кўникмалари;

Талабалар билимини баҳолашнинг баъзи шакллари, масалан лойиҳавий топшириқ ҳақида аввалги бўлимларда ҳам қайд этилган эди. Юқорида келтирилган жадвалдаги ҳар бир баҳолаш шакли ўзига хос мақсадларга эга. Саводли ва малакали ўқитувчи ўқув йили давомида бу турли баҳолаш шакллари кўллаб, уларни шундай уйғунлаштирадими, бу билан баҳолаш зерикарли бўлишини олдини олиб, ҳар бир талабани қизиқтиришга ҳаракат қилади, талабаларни эса олдиларига юксак мақсадлар қўйиб, улар сари интилишга ундайди, олган билим ва кўникмаларини чиғириқдан ўтказиб, келажакда улардан тўғри ва оқилона фойдаланишга чорлайди.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БЎЙИЧА ИШЛАНМАЛАР

Қўлланманинг ушбу қисмида амалий машғулотлар учун ишланмалар келтирилган бўлиб, улардан тренер учун тайёр материал сифатида ҳамда мустақил ўрганиш материали сифатида фойдаланса бўлади. Юқорида қайд этилганидек амалий машғулотлар куйидаги мавзуларга бағишланган:

6. Мустақил таълим шароитида педагог-фасилитатор роли
7. Мустақил таълим шароитида педагогик маҳорат
8. Талабани мустақил бўлишга қандай қилиб ўргатиш мумкин
9. Мустақил таълим шароитида талабалар билимини баҳолашнинг асосий тамойиллари
10. Мустақил таълим шароитида талабалар билимини баҳолашнинг асосий турлари ва шакллари

Ушбу материаллардан фойдаланишдан аввал қўлланма муқаддимасида келтирилган маслаҳатлар билан яна бир танишиш керак. Амалий машғулотлар учун тингловчиларнинг оптимал сони 15-20 киши. Тингловчилар сони бундан кўп бўлган ҳолларда тингловчилар билан тренер ўртасида ўзаро алоқа сусайиб, амалий машғулотлар мақсадига эриша олмаслик мумкин. Гуруҳни шундай тузган маъқулки, унда турли фан бўйича ва турли босқич (юқори, қуйи) талабаларига дарс берадиган ўқитувчилар бўлсин.

Эътибор беринг, деярли барча амалий машғулот таҳлилидан кейин тарқатма материал иловада келтирилган. Бу материалларни ҳар бир тингловчига битта нусхадан тарқатиш учун тайёрлаб қўйинг. Баъзи тарқатма материалларни топшириқларга берилган йўриқларда кўрсатилганидек қирқиш керак бўлади.

Кўрсатмаларга амал қилишга ҳаракат қилинг, аммо унутмангки, сиз кўрсатмаларни ҳамда топшириқларни гуруҳингиз савияси, шарт-шароит ва бошқа турли омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришга ҳақлисиз.

**Амалий машғулот мавзуси – МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
ШАРОИТИДА ПЕДАГОГ-ФАСИЛИТАТОР РОЛИ**

Машғулот мақсадлари:

1. Ўқитувчиларга ўқув жараёнида педагог-фасилитатор ролини таҳлил қилишга ёрдам бериш;
2. Ўқитувчиларга педагог-фасилитатор таълим олиш учун муқобил муҳитни қандай ярата олиши мумкинлиги ҳақида ўйлаш имконини бериш.

1- Топширик. Ўқитувчи роли

Керакли материаллар: ҳар бир тингловчи учун А4 қоғоз, маркерлар
Вақт: 25-30 дақиқа

Машғулотни бориши

- (15 дақиқа) Барча тингловчиларга қуйидаги саволларни бериб, муҳокама уюштиринг:
 - ~ Сиз учун касбингиз нимани англатади? Сиз учун ўқитувчи ким?
 - ~ Касбингиз сизга ёқадими?
 - ~ Ўқитувчиликни ташлаб кетмоқчи бўлган пайтларингиз бўлганми?
 - ~ Бу дақиқаларда сизни нима тўхтатиб қолган?
- (3-5 дақиқа) Ҳар бир талабага тоза А4 қоғозини беринг. Қоғознинг ўртасига ўз исмингизни ёзинг деб, тингловчиларга кўрсатма беринг. Сўнг исмларининг атрофига улар ўқув жараёнида /синфда/институтда қандай роллар ижро этишларини ёзишлари кераклигини айтинг. Масалан:

Галина Мельникова

Маслаҳатчи
Қизиқчи
Дизайнер
Имтиҳон оловчи
Бошқарувчи
Ҳамшира

- (10 дақиқа) Тингловчиларни 3-4 кишидан иборат гуруҳларга бўлинг ва ўзларининг А4 варақларини бир-бирларига кўрсатиб, фикр алмашишларини айтинг.
- Топшириққа хулоса ясаб, шуни таъкидлангки, биз хоҳлаймизми йўқми ўқитувчига турли шароитларда бир қатор турли роллар бажаришга тўғри келади. Шунингдек, ўқитувчиларнинг турлича роллари ўқитувчининг ўзи қандай инсон эканлиги, феъл-атвори, қизиқишлари, яъни синфда эмас хаётда қандайлигига ҳам бевосита боғлиқ.

2- Топшириқ

Керакли материаллар: 1 ва 2 – иловаларда келтирилган тарқатма материаллар

Вақт: 30 - 40 дақиқа

Машғулот бориши

- (2-3 дақиқа) Биринчи топшириқда муҳокама этилган роллардан энг муҳим учта роль ҳақида суҳбатлашмоқчи эканлигингизни айтинг. Тингловчилардан бу қайси роллар бўлиши мумкинлигини сўранг.
- (10 – 15 дақиқа) Тингловчиларни 3-4 кишидан иборат гуруҳларга бўлинг. Улар биринчи топшириқ мобайнида ишлаган гуруҳларда ҳам ишлашлари мумкин. Ҳар бир гуруҳга тарқатма материални (1-илова) бериб, унда келтирилган учта тимсолни таҳлил қилишларини сўранг. Куйидаги саволлар таҳлил қилишда ёрдам бериши мумкин (саволлар тарқатма материалида ҳам келтирилган):

1. Биринчи тимсол нимани англатади, деб ўйлайсиз?
2. Ўқитувчи учун ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши қанчалик муҳим?
3. Ўқитувчи ўз фани бўйича билимларини қайси йўллар билан ошириши мумкин?
4. Иккинчи тимсол нимани англатади, деб ўйлайсиз?
5. Ўқитувчи учун педагогик услублардан бохабар бўлиши ва уларни қўллаши муҳимми?
6. Агар ўқитувчи педагогик услублар ва технологиялар ҳақида билими бўлмаса нима бўлади?
7. Ўзингиз қандай қилиб ўқитувчи бўлгансиз? Ўзингиз ўқитиш методикаси бўйича махсус курсларини ўтганмисиз?
8. Учинчи тимсол нимани англатади?
9. Педагог учун талабалар жамоасида муқобил муҳитни ярата ола билишигина етарлими?

10. Бу уч тимсолни таҳлил қилиб қандай хулосага келиш мумкин?

- (10-15 дақиқа) Гуруҳларни ўз хулосалари билан ўртоқлашишга таклиф этинг.
- (5 дақиқа) 2-иловадаги материални тарқатиб, тингловчиларни материал билан танишишларини сўранг. Сўнг бутун гуруҳдан сўранг:
 - ~ Сиз ўқиган таърифларга қайси тимсоллар тўғри келади?
 - ~ Карлос ва Умиданинг қандай ижобий хислатлари бор?
 - ~ Уларнинг ҳар бирига нима етишмайди?
 - ~ Сизнинг гуруҳингиз бу уч ўқитувчининг ролларини қандай номлаган бўларди?
- (5-7 дақиқа) Энди ўқитувчилардан гуруҳларда ишлаб, учинчи ўқитувчи (исмсиз) қандай дарс ўтиши мумкинлигини фараз қилиб, бир семинар ёки маърузасининг қисқа таърифини ёзишни сўранг.
- (10 дақиқа) Гуруҳларни ўз ишларининг натижаси билан бўлишишга таклиф этинг. Хулоса қилиб, учинчи ўқитувчининг роли педагог-фасилитатор эканлигини ва бу машғулотнинг мақсади эканлигини айтиб ўтинг.

3-топширик

Керакли материаллар: қоғоз тасмалари, флипчартлар, маркерлар

Вақт: 25-30 дақиқа

Машғулот бориши

- Бутун гуруҳдан анъанавий ўқитувчининг педагог-фасилитатордан нима фарқи борлигини сўранг. Барча фикрларни доскага ёзинг. Доскани қуйида кўрсатилганидек 2 қисмга бўлсангиз ҳам бўлади.

<u>Фасилитатор</u>	<u>Анъанавий ўқитувчи</u>

- Қоғоз тасмаларини тарқатиб, ҳар бир тингловчидан берилган қоғозларда ўзининг педагогик маҳоратини ошириб фасилитатор бўлмоқчи ўқитувчига битта маслаҳат ёзишларини сўранг.
- Тингловчилардан 4-5 кишилик гуруҳларга бўлинишни сўранг. Тингловчиларни қоғоз тасмаларида ёзилган маслаҳатлари билан кичик гуруҳларда ўртоқлашишларига давъат қилинг. Сўнгра гуруҳлар


кафедрангизга янги келган ёш ўқитувчи учун маслаҳатлар рўйхатини тузишларини айтинг. Гуруҳлар маслаҳатларини флипчартда ёзишлари керак бўлади. Гуруҳларни қуйидаги маҳоратлар ҳақида ўйлаб кўришларини маслаҳат беринг:

- ~ Тинглаш ва эшитиш
 - ~ Гапириш
 - ~ Саволлар бериш
 - ~ Холатни назорат қилиш
 - ~ Шахсий фикрларини таҳлил қилиш
- Гуруҳлардан ўз маслаҳатлари билан бошқа гуруҳлар билан бўлишишга таклиф этинг.
- Қўлланмадаги рисолани тингловчиларга тарқатиб, уни бўш вақтларида ўқишга таклиф қилинг.

1- илова

Қуйидаги тимсолларга диққат билан қаранг. Улар ўқитувчи синфда бажарадиган қайсидир бир ролни тасвирлайди. Мазкур саволларга жавоб беринг (расмлар ёнига қайдларингизни ёзишингиз мумкин):

1. Биринчи тимсол нимани англатади, деб ўйлайсиз?
2. Ўқитувчи учун ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши қанчалик муҳим?
3. Ўқитувчи ўз фани бўйича билимларини қайси йўллар билан ошириши мумкин?
4. Иккинчи тимсол нимани англатади, деб ўйлайсиз?
5. Ўқитувчи учун педагогик услублардан бохабар бўлиши ва уларни қўллаши муҳимми?
6. Агар ўқитувчи педагогик услублар ва технологиялар ҳақида билими бўлмаса нима бўлади?
7. Ўзингиз қандай қилиб ўқитувчи бўлгансиз? Ўзингиз ўқитиш методикаси бўйича махсус курсларни ўтганмисиз?
8. Учинчи тимсол нимани англатади?
9. Педагог учун талабалар жамоасида муқобил муҳитни ярата ола билишгина етарлими?
10. Бу уч тимсолни таҳлил қилиб қандай хулосага келиш мумкин?
11. Сизнинг гуруҳингиз бу уч ўқитувчининг ролларини қандай номлаган бўларди?



1-расм



2-расм



3-расм

2-илова

1-таъриф

Синфда ҳамма банд. Талабаларнинг бир гуруҳи ўқитувчи билан иккинчи семестрда ўтиладиган машғулотлар режасини муҳокама қилмоқда. Баъзи мавзулар, масалан, ишчи ўқув режада кўрсатилганидан ҳам кўпроқ вақт талаб этади. Бошқа баъзи мавзулар биринчи семестрда ўтиб бўлинган – ҳаммага қизиқарли бўлиши ҳамда курснинг мақсадларига эришиш учун яна қандай мавзулар танлаш бўйича умумий қарорга келиш керак. Иккинчи гуруҳ талабалари шуғулланишлари керак бўлган дарсликни таҳлил қилмоқдалар, қўшимча материаллар керак бўладими йўқми, керак бўлса қандай материаллар бўлиши кераклиги тўғрисида бош қотиришмоқда. Яна бир гуруҳ якуний баҳо олиш учун талаб этиладиган, ва барча талабалар бажаришлари лозим бўладиган лойиҳа ҳақида ўйламоқдалар.

2-таъриф

Испан тили ўқитувчиси Карлос. Ўз она тилида соф гапиради, унинг талаффузи бетакрор, сўз бойлиги чексиз. У жуда кўп китоб ўқиган, тил тарихи, испан тилида ҳизирги кунда кечаётган турли ҳодисалар ҳақида жуда кўп маълумотларни билади. Аммо унинг дарслари кўпинча зерикарли, талабалар маълум бир фразаларни тушунар-тушунмас ёд олишади. Фақатгина Карлос тил тарихи ҳақида сўзлаб берганда талабалар «уйғонишади». Уни барча ҳамкасблар мутахассис сифатида ҳурмат қилишади, ҳеч бир чет тиллар бўйича олимпиадаси Карлосиз ўтмайди. Талабалар ҳам уни чуқур билимлари учун ҳурмат қилишади, аммо улардан кўпчилиги испан тилида сўзлаша оламан деб мақтана олмайди.

3-таъриф

Мисол тариқасида ёш ўқитувчи Умиданинг қандай ишлашини кузатайлик. Умида университетни аъло баҳоларга битириши биланоқ, уни математика факультетида дарс беришга таклиф қилишган. Шу билан бирга у магистратурада ўқишини давом эттирган. Факультет педагогик жамоаси ҳамда талабалар ёш ўқитувчини унинг билими, масъулиятлилиги ва шижоати учун ҳурмат қилишади. Фаолиятининг биринчи ўқув йилида у ўзидан катта, тажрибали ҳамкасбларининг дарсларини мунтазам кузатиб борди, математикани ўқитиш бўйича 2 та симпозиумда қатнашди, «Энг яхши математика ўқитувчиси» кўрик-танловига номзоди қўйилди, у доимо кўп ўқир ва янги педагогик технологияларни ўз дарсларида тадбиқ этарди. Умида билимдон ва ташаббускор сифатида танилди. Талабалар унинг дарсларини ёқтиришар, аммо баъзан ўзаро у ёки бу машқни нима учун қилаётганлигини тушунмаганлиги ҳақида ўртоқлашишарди. Умиданинг камчилиги талабалар билан ишлашида, дарс беришида қандайдир бир мунтазам, қатъий бир ёндашув йўқлигида эди. «Нега унақамас, бунақа йўл тутдинг» деган саволларга Умида ҳали қатъий жавоб бера олмасди.

Машғулот мақсадлари:

1. Самарали педагогик технологиялар ҳақида суҳбатлашиш.
2. Педагогик маҳоорат қандай қилиб талабаларга мустақил таълимнинг муҳимлигини англашга ёрдам беришиги таҳлил қилиш.

Кириш – Ақлий хужум

- (7 дақиқа) Тингловчиларни синфда нима қилиш мумкин ва мумкинмаслиги рўйхатини тузишларини сўранг. Бу сиз билан тингловчилар ўртасидаги норасмий сулҳ бўлиб хизмат қилади. Бундай сулҳни талабалар билан ҳам «тузиш» мумкин, бу билан келажакдаги зиддиятли ҳолатлар эҳтимоли камайиши мумкин.

1-топшириқ. Бир-бирингизни билинг

Вақт: 20 дақиқа

Машғулот бориши

- Тингловчиларни жуфтликларга бўлинг, уларга 2 дақиқа ичида бир-бирларининг феъл-атворларида иккита ўхшаш ва иккита фарқли хислатларни топишларини сўранг.
- Жуфтликларни бир-бирлари тўғрисида бутун гуруҳга гапириб беришларига таклиф қилинг.

2-топшириқ. Педагогик технологиялар

Керакли материаллар: 1-иловада келтирилган тарқатма материал

Вақт: 25 дақиқа

Машғулот бориши

- Тингловчиларни 3-4 кишидан иборат гуруҳларга бўлинг. 1-иловада келтирилган тарқатма материални олдиндан ✂ белгиси бор жойдан қирқиб, гуруҳларга тарқатинг. Гуруҳлар педагогик технологиялар таърифини уларнинг номланиши билан солиштиришлари керак. Гуруҳларни эътиборли бўлишга чақиринг, чунки битта таъриф бир неча педагогик технологияларга тўғри келиши мумкин.

Тўғри жавоблар:

Таклиф ва тақриз (фидбек – feedback)

Бу топшириқда талабалар якка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб бажарилган иш ҳақида ҳисобот берадилар. Қолган талабалар бу иш ҳақида ўз фикрларини айтадилар ва уни қандай қилиб бунданда яхшилаш ҳақида маслаҳат берадилар. Шунингдек, ўқитувчи ҳам бажарилган иш ҳақида ўз фикрини билдириши мумкин.

Ўйин

Қувноқ ва ҳаракат талаб қиладиган маълум қоидаларга эга топшириқ, одатда ўйин услубида бўлиб, жамоа билан қарор қабул қилишни талаб этади.

Пирамида

Бу топшириқда маълум бир масала аввал якка ҳолда, кейин жуфтликларда, кейин кичик гуруҳларда, ва сўнгра бутун синф билан муҳокама қилинади.

ДжигСо (Мозаика)

Бу топшириқда турли гуруҳларга бир матннинг турли қисмлари берилади. Улар тегишли маълумот қисмлари билан бир-бирлари билан ўртоқлашиб, матннинг умумий мазмунини биргалиқда чиқарадилар.

Муҳокама гуруҳлари

Бу топшириқда талабалар кичик гуруҳларда ўқитувчи билан ишлаш учун тайёргарлик кўрадилар. Бу усул маърузаларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Чоғишма гуруҳлар

Бу топшириқда синф гуруҳларга бўлиниб бир муаммони муҳокама қилади. Бир фанча вақт ўтгандан кейин турли гуруҳ аъзолари ўрин алмашишиб, бошқа гуруҳларга қўшиладилар ва муҳокамани давом эттирадилар.

Ақлий ҳужум

Бу топшириқнинг мақсади иложи борича кўпроқ фикрларни юзага келтиришдир. Исталган фикрлар қабул қилинади. Йиғилган фикрлардан қай бирини келгусида ишлатишни бутун гуруҳ ҳал қилади.

Симуляция

Бу топшириқда ҳаётий ҳолатларни синфда акс эттиришга ҳаракат қилинади.

Лойиха

Маълум бир мавзу ва вазифага эга бўлган бу топшириқни талабалар гуруҳ бўлиб маълум бир муддат давомида бажарадилар.

Сукрот техникаси

Маърузаларда тез-тез ишлатиладиган усул, унда ўқитувчи талабаларни савол-жавоблар орқали мўлжалланган мақсад сари етаклайди.

Ролли ўйин

Бу топшириқда талабалар турли ролларни ижро этадилар.

- Жавобларнинг тўғрилигини текширинг. Тингловчилардан қайд этилган қайси усуллардан биридан фойдаланишлари, ва улар қанчалик фойдали эканлиги ҳақида сўранг.

3-топшириқ. Самарали ўқитувчи

Керакли материаллар: флипчарт ва маркерлар

Вақт: 30 дақиқа

Машғулот бориши

- (10 дақиқа) Тинловчиларни 4 гуруҳга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга флипчарт қоғозининг биттадан варағини беринг. Гуруҳлар берилган гапларни давом эттириб, ўз фикрларини флипчартда акс эттиришлари лозим бўлади. Ҳар бир гуруҳга қуйидаги вазифалардан бирини топширинг (турли гуруҳларга турли вазифалар беринг):

1. Самарали ўқитувчи шуни биладики,

...

2. Самарали ўқитувчи шуни биладики,

...

3. Самарали ўқитувчи ҳар доим

...

4. Самарали ўқитувчи ҳеч қачон

...

- (10 дақиқа) Гуруҳлар флипчартларини тугатишганида, уларни хонанинг турли бурчакларига илиб қўйишларини айтинг. Барча тингловчиларни флипчартлардаги маълумотлар билан танишиб, ўз фикрларини билдиришларини сўранг.
- Машғулотга яқун ясаб, ўқитувчи қанчалик турли педагогик технологиялардан оқилона ва керакли ҳолатда фойдаланишни билса унинг профессионаллиги шунчалик юқори бўлади. Бу талабаларнинг ўқишга бўлган иштиёқини ҳам оширади.

1-илова

	✂	↓
	✂	→
<u>Таклиф ва тақриз</u> (фидбек – feedback)		Бу топшириқда талабалар якка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб бажарилган иш ҳақида ҳисобот берадилар. Қолган талабалар бу иш ҳақида ўз фикрларини айтадилар ва уни қандай қилиб бунданда яхшилаш ҳақида маслаҳат берадилар. Шунингдек, ўқитувчи ҳам бажарилган иш ҳақида ўз фикрини билдириши мумкин.
✂	→	Кувноқ ва ҳаракат талаб қиладиган маълум қоидаларга эга топшириқ, одатда ўйин услубида бўлиб, жамоа билан қарор қабул қилишни талаб этади.
<u>Ўйин</u>	✂	Бу топшириқда маълум бир масала аввал якка ҳолда, кейин жуфтликларда, кейин кичик гуруҳларда, ва сўнгра бутун синф билан муҳокама қилинади.
<u>Пирамида</u>	✂	Бу топшириқда турли гуруҳларга бир матннинг турли қисмлари берилади. Улар тегишли маълумот қисмлари билан бир-бирлари билан ўртоқлашиб, матннинг умумий мазмунини биргаликда чиқарадилар.
<u>ДжигСо (Мозаика)</u>	✂	Бу топшириқда талабалар кичик гуруҳларда ўқитувчи билан ишлаш учун тайёргарлик кўрадилар. Бу учул маърузаларда ҳам қўлланилиши мумкин.
<u>Муҳокама гуруҳлари</u>	✂	Бу топшириқда синф гуруҳларга бўлиниб бир муаммони муҳокама қилади. Бир фанча вақт ўтгандан кейин турли гуруҳ аъзолари ўрин алмашишиб, бошқа гуруҳларга қўшиладилар ва муҳокамани давом эттирадилар.
<u>Чоғишма гуруҳлар</u>	✂	Бу топшириқнинг мақсади иложи борица қўпроқ фикрларни юзага келтиришдир. <u>Исталган</u> фикрлар қабул қилинади. Йиғилган фикрлардан қай бирини келгусида ишлатишни бутун гуруҳ ҳал қилади.
<u>Ақлий ҳужум</u>	✂	Бу топшириқда ҳаётий ҳолатларни синфда акс эттиришга ҳаракат қилинади.
<u>Симуляция</u>	✂	Маълум бир мавзу ва вазифага эга бўлган бу топшириқни талабалар гуруҳ бўлиб маълум бир муддат давомида бажарадилар.
<u>Лойиха</u>	✂	Маърузаларда тез-тез ишлатиладиган усул, унда ўқитувчи талабаларни савол-жавоблар орқали мўлжалланган мақсад сари етаклайди.
<u>Сукрот техникаси</u>	✂	Бу топшириқда талабалар турли ролларни ижро этадилар.
<u>Ролли ўйин</u>	✂	

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Амалий машғулот мавзуси – ТАЛАБАНИ МУСТАҚИЛ
БЎЛИШГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎРГАТИШ МУМКИН**

Машғулот мақсадлари:

1. Тингловчиларга мустақил таълимнинг фойдали тарафларини муҳокама қилиш имконини бериш.
2. Тингловчиларга талабаларга мустақил бўлишларида қандай қилиб ёрдам беришни муҳокама қилиш имконини бериш.

Кириш – Ақлий хужум

Сизнинг аълочи талабаларингиз борми?

- (5 дақиқа) Тингловчилардан аълочи талабаларингиз борми, деб сўранг. Тингловчилардан яқка ҳолда шундай талабаларни кўз олдиларига келтириб, улар бошқалардан қайси хислатлари билан ажралиб туришлари ҳақида ўйлашларини сўранг. Бундай талабаларни таърифлайдиган 3 та сифат ёзишларини сўранг (Масалан, тартибли, мустақил, тиришқок).
- (5 дақиқа) Тингловчиларни гуруҳларга бўлиб, ўзлари ёзган сифатларини гуруҳдошлари билан ўртоқлашишини сўранг.
- (5 дақиқа) Навбатма-навбат гуруҳларни сифатлари билан барча билан бўлишишга унданг.
- Яхши талабанинг энг муҳим хислатларидан бири унинг мустақил бўлиши эканлигини айтинг. Мана шундай мустақиллик ҳисини қандай қилиб ошириш кераклиги ушбу машғулотнинг мавзуси эканлигини айтинг.

1 – топширик. Метафора таҳлили


Керакли материаллар: ҳар бир тингловчи учун 1-иловадаги материал

Вақт: 10 дақиқа

Машғулот бориши

- (5 дақиқа) 1-иловадаги материални тингловчиларга тарқатинг. Қуйидаги саволларни тингловчиларга бериб, муҳокамага унданг:

- ~ Расмда нимани кўряпсиз?
- ~ Хайдовчи ва йўловчиларнинг роли қандай?
- ~ Бу ҳолатда ким қарор қабул қилади ва кечаётган жараён учун жавобгар?
- ~ Расмни синф билан таққосласа, синфда хайдовчи, машина, йўловчи ким?
- ~ Синфда кечаётган жараён учун ким жавобгар?
- ~ Талабанинг роли қандай?
- ~ Бундай талабани сиз қандай таърифлаган бўлардингиз?
- ~ Сизда шундай талабалар борми?



- (2 дақиқа) Муҳокамани хулосалаб, бу метафора ОЎЮ ҳақидаги анъанавий тасаввур бўлиб, унда ўқитувчи ва талабалар қандай роль ўйнайди. Бундай талабани ҳамма жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ, қарам бўлиб, унинг кўрсатмаларини кўр-кўрона бажарадиган мустақил бўлмаган талаба сифатида таърифлаш мумкин.
- (3 дақиқа) Тингловчилардан мустақил бўлмаган талабани яна қандай таърифлаш мумкин деб сўранг.

2 – топширик. Мустақил талабанинг хислатлари

Керакли материаллар: қоғоз тасмалари, скотч
 Вақт: 10 дақиқа

Машғулот бориши

- (10 дақиқа) Тингловчиларни 3-4 гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга қоғоз тасмаларини тарқатинг. Гуруҳларни мустақил талабанинг хислатлари ҳақида ўйлаб, уларни қоғоз тасмаларида ёзишларини сўранг.

Тингловчилар шундай хислатларни айтишлари мумкин:
 Мустақил талаба...

- ўзи қарор қабул қилади
- ўқитувчига бутунлай боғлиқ
- ўқиши билан ўзи мустақил шуғулланади
- интилувчан
- ўз вақтини тўғри тақсимлай олади
- илм олишда самарали стратегиялардан фойдаланади
- маълумотни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқаришни билади
- тадқиқот кўникмаларига эга
- аниқ мақсадларга эга

- ўқишга иштиёқи баланд
 - қизиқувчан
- (10 дақиқа) Умумий муҳокама ташкил қилинг. Гуруҳлар вакилларини навбатма-навбат ўз қоғоз тасмаларини доскага ёпиштиришларини (ёки полда марказга ёйиб чиқишни) сўранг, керак бўлса ёзилганларга шарҳлар беришсин.
 - Муҳокамага яқун ясаб, талабалар бизнинг дарс беришимизнинг маҳсули эканлиги ва талабанинг мустақил бўлиш-бўлмаслиги кўпинча ўқитувчига боғлиқ эканлигини айтинг.

3 – топшириқ. Талаба мустақил бўлишига ёрдам бериш учун ўқитувчи нима қилиши керак

Керакли материаллар: тарқатма материал, ҳар бир гуруҳ учун флипчарт қоғози, маркерлар, скотч
 Вақт: 10 дақиқа

Машғулот бориши

- (10 дақиқа) Тингловчиларни гуруҳларга бўлинг ва тарқатма материални (2-иловага қаранг) тарқатинг. Гуруҳлардан топшириқни кунт билан ўқиб, муҳокама қилиб, муаммонинг ечимини таклиф қилишларини сўранг.
- (10 дақиқа) Гуруҳларни навбатма-навбат ўзлари таклиф қилаётган ечимлари билан бўлишишларини таклиф қилинг.
- (10 дақиқа) Ҳар бир гуруҳга флипчарт тарқатиб, улардан талаба мустақил бўлишида ёрдам бермоқчи бўлган ўқитувчига маслаҳатларни ёзиб чиқишлари кераклиги ҳақида кўрсатмалар беринг.

Тахминий жавоблар:

Талаба мустақил бўлиши учун ўқитувчи нама қилиши керак?

- Дарсда талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб топшириқ бериши;
- Қарор қабул қилиш талаб қиладиган топшириқ турларидан фойдаланиши;
- Адабиётларни шарҳлаш, маълумотларни таҳлил қилиш зарур бўладиган топшириқлардан (тадқиқот, плакатлар, ва ҳ.) фойдаланиши;
- Талабаларни ўқув материали, машғулотлар мавзуси, топшириқлар ва ҳ. бўйича қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилиш;
- Талабаларга илми олишдаги турли стратегияларга ўргатиш;
- Талабаларна илм олишдан мақсадларини аниқлаштиришга ёрдам бериш;

- Талабаларга ўзларининг кучли ва суст жиҳатларини очишга ёрдам бериш.
- (10 дақиқа) Гуруҳларни ўз плакатларини тақдим этишларига таклиф қилинг.

4 – топшириқ. Талабаларда мустақиллик ҳисини нима учун шакллантириш зарур?

Керакли материаллар: ҳар бир тингловчи учун қўлланмадаги рисола нусҳаси, қоғоз тасмалари, маркерлар

Вақт: 10 дақиқа

Машғулот бориши


- (5 дақиқа) Тингловчиларга қоғоз тасмаларини тарқатиб, талабаларда мустақиллик ҳисини шакллантириш нима учун зарур деган битта сабабини ёзишни сўранг.
- (5 дақиқа) Тингловчилардан ёзган ‘сабабларини’ доскага илиб, бир-бирларининг ёзувлари билан ҳам танишишга таклиф этинг.
- Қўлланмадаги рисолани тарқатинг ва бўш вақтларида уни ўқиб, ҳамкасблари билан танишишларини таклиф қилинг.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб, қилинган муҳокамадан кўриниб турибдики, мустақил таълимнинг жуда кўп фойдали жиҳатлари мавжудлиги, талабаларда мустақиллик ҳисини шакллантириш, уларнинг ўз таълим олишлари учун жавобгарлигини ошириш ҳар бир ўқитувчининг қўлидан келишини айтинг.

1- илова

- ~ Расмда нимани кўряпсиз?
- ~ Хайдовчи ва йўловчиларнинг роли қандай?
- ~ Бу ҳолатда ким қарор қабул қилади ва кечаётган жараён учун жавобгар?
- ~ Расмни синф билан таққосласа, синфда хайдовчи, машина, йўловчи ким?
- ~ Синфда кечаётган жараён учун ким жавобгар?
- ~ Талабанинг роли қандай?
- ~ Бундай талабани сиз қандай таърифлаган бўлардингиз?
- ~ Сизда шундай талабалар борми?



2- илова

Ушбу таърифни ўқинг ва саволларга жавоб беринг.

Янги биринчи босқич талабалари гуруҳи

Сизнинг ҳамкасбингизга янги биринчи босқич талабалари гуруҳини беришди. У бу гуруҳда икки haftача ишлади ва гуруҳ ҳақида тасаввурга эга. Сиз унинг таъсуротлари ҳақида қизиқиб сўрадингиз. “Умуман олганда гуруҳ ёмон эмас, болалар ақлли, ўқишга ҳам қизиқишади. Аммо улар жуда ҳам пассив”, дейди ҳамкасбингиз. “Қандайдир улар мустақил эмас, ўзлари қарор қабул қила олмайдилар – мен нима қилишларини доим айтиб туришим керак. Лекин мен ахир уларнинг ёнларида ҳар доим бўлмайманку. Эртами-кечми қайси китобларни ўқишлари, қайси бобларга алоҳида эътибор бериш кераклигини ўзлари ҳал қилишлари керак бўладику. Нима қилиш керак? Уларда мустақил бўлиш ҳиссини қандай шакллантириш мумкин?”

- Бундай ҳолат сизга танишми?
- Ҳамкасбингизга қандай маслаҳат берасиз?

1.
2.
3.
4.
5.

**Амалий машғулот мавзуси – МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ
АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Машғулот мақсадлари:

1. Ҳар бир ўқитувчи учун талабаларни баҳолаш жараёни нимани аниқлаши ҳақида суҳбатлашиш;
2. Ўқитувчиларни талабалар билимини муайян мезонларга асосланган самарали баҳолаш тушунчаси билан таништириш;
3. Билимларни баҳолаш жараёнида ўқитувчи томонидан қўйиладиган мақсадларни таҳлил қилиш.

Кириш – Ақлий хужум

- Флипчарт қоғозда «Талабалар Билимини Баҳолаш» деб ёзинг ва тингловчилардан бу ибора уларга нима аниқлашини сўранг. Барча айтилган фикрларни флипчартга ёзинг. Энди тингловчилардан талабалар билимини нима сабабдан баҳолашларини сўранг. Тингловчилар ўйлашларига бир оз вақт беринг, сўнгра уларнинг фикрларини флипчартга ёзинг. .
- Билимларни баҳолаш жараёни кўпқиррали жараён эканлигини таъкидланг. Унда ўқитувчилар турли мақсадларда масалан талабалар фикрини билиш, талабалар материални ўзлаштирган-ўзлаштирамаганлигини аниқлаб, билими суст талабаларга ёрдам бериш учун ва бошқа кўпгина мақсадларда талабалар билимини баҳолашлари мумкин. Ушбу машғулотнинг диққат марказида нимани баҳолаш керак ва баҳолашда қандай асосий тамойилларга асосланиш кераклиги бўлишини айтинг.

1 – топшириқ. НИМАни баҳолаш

Керакли материаллар: флипчарт ва маркерлар

Вақт: 15 дақиқа

Машғулот бориши

- Тингловчилардан одатда нима учун баҳо қўйишлари ҳақида яқка ҳолда ўйлаб қўришларини сўранг. Тингловчилар ўз фикрларини дафтарларига ёзишлари ҳам мумкин.

- Тингловчиларни 3-4 кишилик гуруҳларга бўлинишини сўранг. Тингловчиларга гуруҳларижа ўз фикрлари билан алмашишни айтинг.
- Ҳар бир гуруҳга бир варақ флипчарт қоғозини тарқатинг ва гуруҳларни муҳокама натижаларини унга ёзишларини сўранг.
- Гуруҳларни ҳамма флипчартларни доскага илишларига таклиф қилинг ва тингловчиларга ёзилганлар билан танишишга бир оз фурсат беринг. Бунинг учун тингловчилар синф бўйлаб бемалол ҳаракат қилишлари, туриб-айланиб юришлари мумкинлигини айтинг («кўргазма» техникаси).
- Ҳар бир гуруҳ вакилидан флипчартда ёзилганларга изох бериб, хулосалашларини сўранг.
- Топшириққа яқун ясаб, ўқитувчилар ўтилатган фанга қараб турли билимларни баҳолашларини айтинг. Аммо асосан талабаларни баҳолашда қуйидагилар эътиборга олинади:
 - ~ Билимлар
 - ~ Қобилият
 - ~ Кўникмалар
 - ~ Танқидий фикрлаш – таҳлил қилиш маҳорати
 - ~ Мантиқий фикрлаш
 - ~ Ўз билим ва кўникмаларини амалда қўллаш маҳорати.

2 – топшириқ. Баҳолаш сифати

Керакли материаллар: турфа шакл, ранг, текстурадаги 10-15 рақамланган (маркер ёрдамида майда шрифтда) тошлар, флипчарт ва маркерлар.

Вақт: 40-50 дақиқа

Машғулот бориши

- (5 дақиқа) Тингловчиларнинг олдига тошларни шундай ёйиб қўйингки ҳаммага кўринарли бўлсин. Тингловчилардан тошларни керак бўлса ушлаб кўриб, энг ёққан битта тошни танлашга таклиф қилинг. Тингловчиларни у ёки бу тош нима сабабдан ёққанлигини ёзиб қўйишларини сўранг.
- (7 дақиқа) Тингловчиларни 3-4 кишилик гуруҳларга бўлинг. Тингловчилардан қайси тош ва нима сабабдан ёққанлиги билан бир-бирлари билан бўлишишларини сўранг.
- (2 дақиқа) Ўқитувчилар талабалар билимини кўпинча тош танлаганидек ўзларига ёқиш-ёқмаслигига қараб баҳолашларини айтинг. Ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос мезонлари бўлишига, стандарт билимларни баҳолашда йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳолларни олдини олиш учун ўқитувчилар баҳолашдан аввал баҳолаш мезонларини аниқ ишлаб чиқишлари лозим.

- (10 дақиқа) Талабаларни баҳолашда ўқитувчи нимага эга бўлиши ва нималарни билиши керак бўлган нарсалар ҳақида ўйлаб, ёзиб олишларини гуруҳларга топширинг.
- (8 дақиқа) навбатма-навбат ҳар бир гуруҳ вакилини гуруҳларида бўлган муҳокама натижаси ҳақида ҳисобот беришларига таклиф қилинг.
- (15 дақиқа) Қуйидаги саволларни бериб, уларни муҳокама қилинг:
 - ~ Талабаларни баҳолаш сифатини қандай таъминлаш мумкин?
 - ~ Барча ишларни текшираётганингизда баҳолаш мезонларингиз борми?
 - ~ Плагиат нима ва уни қандай аниқлаш мумкин?
 - ~ Плагиатга дуч келсангиз нима қиласиз?

ХУЛОСА

Қўринишидан оддий туюлган баҳолаш жараёни, ҳақиқатда жуда мушкулдир. Ўқитувчи талабаларни қандай баҳолаши талабанинг келгусида қандай ўқишига таъсир кўрсатади.

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Амалий машғулот мавзуси – МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ
АСОСИЙ УСУЛЛАРИ**

Машғулот мақсадлари:

1. Ўқитувчи талабаларни баҳолашда одатда қандай усуллардан фойдаланиши ҳақида суҳбатлашиш.
2. Ўқитувчиларни талабаларни баҳолашнинг турли усуллари билан таништириш.
3. Ўқитувчиларни баҳолашнинг муқобил усул ва стратегиясини танлаш бўйича қарор қабул қилишни ўргатиш.

1-топшириқ. Турли фанлар мисолида мавжуд усуллар

Керакли материаллар: 1-иловадаги тарқатма материал

Вақт: 25 дақиқа

Машғулот бориши

- (3 дақиқа) Тингловчиларни машғулотнинг асосий мақсадлари билан таништиринг. Мазкур машғулот талабалар билимини баҳолашнинг асосий тамойилларига бағишланган машғулотнинг мантиқий давоми эканлигини айтинг.
- (5-7 дақиқа) Тингловчиларни 3-4 кишилик гуруҳларга ажратинг. Гуруҳларга бўлаётганингизда бир хил (ёки бир-бирига яқин бўлган) фанлар бўйича дарс берадиган ўқитувчилар бирга бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинг. Гуруҳларни маълум бир фаннинг баҳолаш стратегиялари ва усуллари ҳақида қисқа (3 дақиқали) презентация тайёрлаб, гуруҳ вакили уни бошқаларга тақдим этиши кераклигини айтинг. 1-иловадаги қуйидаги саволлар гуруҳдаги муҳокама вақтида ёрдам бериши мумкин:
 - ~ Фанингизни ўрганишдан мақсадлари қандай?
 - ~ Талабаларингиз билимини баҳолашда қандай учулардан фойдаланасиз?
 - ~ Ҳар бир усул нимага ишлатилади?
 - ~ Сизнинг фанингиз бўйича баҳолаш қандай компонентлардан ташкил топади?
 - ~ Ҳар бир компонент қандай мақсадларни кўзлайди?

- ~ Талабаларингизни қанча вақт оралиғида баҳолайсиз?
- ~ Сиз танлаган стратегиянинг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари бор?

- (15 дақиқа) Ҳар бир гуруҳдан вакилни презентация қилишга таклиф қилинг. Керак бўлса тингловчилар саволлар бериши мумкин.
- (2 дақиқа) Топшириққа хулоса ясаб, билимларни баҳолаш стратегияларининг турли фанлар мисолида умумий ва фарқли жиҳатларини хулосаланг.

2-топшириқ. Баҳолашнинг турли усуллари (шакллари)

Керакли материаллар: 2-иловадаги тарқатма материал

Вақт: 25 дақиқа

Машғулот бориши

- Тингловчиларга санаб ўтилган учуллардан ташқари турли сабабларга кўра (сабаблардан бири – ўқитувчиларнинг хабари йўқлиги) ўқитувчилар томонидан кўпинча ишлатилмайдиган усуллар ҳам борлигини айтинг. Ушбу машғулотда сиз тингловчиларни турли билим ва кўникмаларни баҳолашнинг мана шундай турли усуллари билан таништирмоқчи эканлигингизни қайд этинг.
- Тингловчиларни 3-4 кишилик гуруҳларга ажратинг. 2-иловадаги тарқатма материални ✂ белгиси кўрсатилган жойдан аввал қирқиб, кейин тарқатинг. Гуруҳлар баҳолаш усулини бу усул билан қандай билим ва кўникмаларни баҳолаш мумкинлигини солиштиришлари кераклигини айтинг. Гуруҳларни эътиборли бўлишга чақирингки, чунки маълум билим ва кўникмалар тез-тез қайтарилиб туради.

Тўғри жавоблар:

А	Одатий ёзма ишлар - талаба бир нечта мажбурий саволларга жавоб беради, ва қўшимча бир нечта саволлардан танлаш ҳуқуқи берилади.	17	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
Б	Олдиндан эълон қилинган саволлар ёрдамидаги ёзма иш - саволлар имтиҳондан бир қанча муддат аввал тарқатилади.	16	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тадқиқот кўникмалари; ➤ манбалардан фойдаланиш маҳорати; ➤ таҳлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти; ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ қисқа муддат ичида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;

В	Китоблар очик бўлган ҳолда ёзма иш - имтиҳон пайтида дарслик ва бошқа материаллардан фойдаланишга рухсат бериледи.	15	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои фойдалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати; ➤ китоб билан ишлаш қўникмаси;
Г	Тестлар	14	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ билимларни тадқиқ қила олиш қобилияти; ➤ билимларни синтезлаш маҳорати; ➤ билимларни тўғри талқин қилиш қобилияти; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
Д	Лаборатория ҳисоботлари, кайдлари	13	<ul style="list-style-type: none"> ➤ кузатиш қўникмалари; ➤ синовлар ўтказиш қўникмалари; ➤ таҳлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти; ➤ натижаларни талқин қилиш ва баҳолаш маҳорати;
Е	Кузатув ўқув кундалик дафтарини юритиш	12	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ёзма маълумотни тақдим қилиш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ ташкилий ва режалаштириш маҳорат
Ж	Рефератлар	11	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш қўникмаси; ➤ танқидий баҳолаш; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои фойдалаш маҳорати; ➤ танқидий муҳокама қилиш маҳорати
З	Ҳисоботлар	10	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш қўникмаси; ➤ танқидий баҳолаш; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои фойдалаш маҳорати; ➤ танқидий муҳокама қилиш маҳорати; ➤ билимларни амалиётга тадқиқ эта олиш қобилияти;
И	Диссертациялар	9	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тадқиқ қилиш малакаси; ➤ танлаш қўникмаси; ➤ режалаштириш қобилияти; ➤ лойиҳани бошқариш маҳорати; ➤ танқидий фикрлаш; ➤ презентация қилиш маҳорати.
К	Адабиётлар/ матбуотни шарҳлаш	8	<ul style="list-style-type: none"> ➤ адабиётларни (мақола ва б.) танқидий ўрганиш қўникмалари; ➤ баҳо бериш; ➤ хулосалар чиқариш; ➤ ўз нуқтаи назарини фойдалаш маҳорати;
Л	Презентациялар (якка/гурӯх тартибида)	7	<ul style="list-style-type: none"> ➤ нотиклик маҳорати; ➤ имо-ишоралар тили; ➤ кўргазмали куруллардан фойдаланиш қўникмалари; ➤ маълумотни тақдим қилиш ва структуралаштириш қўникмалари; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш маҳорати; ➤ жамоа (команда) да ишлаш қўникмалари; ➤ ишни тўғри тақсимлаш;
М	Плакатлар (якка/гурӯх тартибида)	6	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ижодий маҳорат; ➤ кўргазмали куруллар тайёрлаш маҳорати; ➤ графика тақдимоти қўникмалари;

			<ul style="list-style-type: none"> ➤ хулосалаш кўникмалари; ➤ танлаш кўникмалари; ➤ фанга тегишли билимлари; ➤ жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари ;
Н	Муайян ҳолатлар (Case studies)	5	<ul style="list-style-type: none"> ➤ муаммоларни ечиш қобилияти; ➤ назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш қобилияти; ➤ қарор қабул қилиш қобилияти;
О	Оғзаки имтиҳонлар	4	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тўғри ва ишончли сўзлаш; талаффуз; ➤ фикрни қисқа муддат ичида кенгайтирмоқ; ➤ фанга тегишли билимлар; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш кўникмалари;
П	Гуруҳ лойиҳалари	3	<ul style="list-style-type: none"> ➤ режалаштириш маҳорати; ➤ ишни тўғри ташкил қилиш ва уни бошқариш қобилияти; ➤ жамоа (команда) да ишлаш кўникмалари; ➤ масалаларни ечиш қобилияти; ➤ ижодий маҳорат; ➤ назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш қобилияти; ➤ таҳлил қила олиш қобилияти; ➤ ҳисоботлар ёзиш кўникмалари;
Р	Портфолио	2	<ul style="list-style-type: none"> ➤ портфолио компонентлари ва ўтган вақтга қараб ўзининг ўсиш даражасини кўра олиш кўникмалари; ➤ вақтни тўғри режалаштириш маҳорати; ➤ жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари;
С	Кўргазмалар	1	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ижодий маҳорат; ➤ тузилма (структура)ни тушуниш; ➤ кўргазмали қуроллардан фойдаланиш кўникмалари; ➤ маълумотни тақдим қилиш ва структуралаштириш кўникмалари; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш кўникмалари;

Тўғри жавобларни текширинг. Керак бўлса, тингловчилардан уларнинг топшириқни бажариш жараёни қандай кечганлигини сўранг.

3-топшириқ. Баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш тажрибаси

Керакли материаллар: 2-иловадаги тарқатма материал, флипчартлар, пост-ит ноутс (ёпишқоқ қайд учун қоғозчалар)

Вақт: 25 дақиқа

Машғулот бориши

- Тингловчиларни гуруҳларга бўлиниб, қуйида келтирилган фанлардан бирини танлаб, уларни баҳолаш стратегияларини ишлаб чиқиш ва муқобил усулларини танлаш ҳақида кўрсатмалар беринг.

1. Талабаларнинг шахсий ўсиши (1 семестр)	<u>Мақсадлар:</u> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Талабаларни мустақил тадқиқотлар ўтказишга ўргатиш ➤ Талабаларни оғзаки презентациялар қилишга
---	--

	ўргатиш ➤ Талабаларни ўз таълим жараёнини мустақил режалаштиришни ўргатиш ➤ Талабаларни жамоя бўлиб ишлашни ўргатиш
2. Академик мақсадлар учун инглиз тили (2 семестр)	➤ Талабаларни ўз фикрини илмий тилда ёзмада баён эта олишга ўргатиш ➤ Талабаларга хисоботлар ёзишни ўргатиш ➤ Талабаларни ўз фикрларини ҳам ёзма ҳам оғзаки исботлашга ўргатиш
3. Ахборот технологиялари (3 семестр)	➤ Талабаларни компьютердан самарали фойдаланишни ўргатиш ➤ Талабаларни дастурлашнинг содда кўникмаларини ҳосил қилиш ➤ Талабаларни WORD ва EXCEL дастурларида ишлашга ўргатиш

- (10 дақиқа) Гуруҳлар флипчарт тайёрлашни тугатишганларидан сўнг, флипчартларни хонанинг деворларига илиб қўйишларини сўранг. Барча тингловчиларга сариқ пост-ит ноутс (ёпишқоқ қайд учун қоғозчаларини) тарқатинг. Тингловчиларни флипчартлардаги маълумотлар билан танишиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини пост-ит ноутсларга ёзиб қолдиришларини сўранг.
- Бутун машғулотга яқун ясаб, баҳолашнинг турли усул ва шаклларида фойдаланиш нафақат ўқитувчи учун ёрдам беради, балки талабаларнинг ўқишга бўлган иштиёқини ҳам оширади.

1- илова

Муҳокама учун саволлар

- ~ Фанингизни ўрганишдан мақсадлар қандай?
- ~ Талабаларингиз билимини баҳолашда қандай учуллардан фойдаланасиз?
- ~ Ҳар бир усул нимага ишлатилади?
- ~ Сизнинг фанингиз бўйича баҳолаш қандай компонентлардан ташкил топади?
- ~ Ҳар бир компонент қандай мақсадларни кўзлайди?
- ~ Талабаларингизни қанча вақт оралиғида баҳолайсиз?
- ~ Сиз танлаган стратегиянинг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари бор?

2- илова



<p>✂</p>	<p>А Одатий ёзма ишлар - талаба бир нечта мажбурий саволларга жавоб беради, ва қўшимча бир нечта саволлардан танлаш ҳуқуқи берилади.</p>	<p>17</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои ифодалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
<p>✂</p>	<p>Б Олдиндан эълон қилинган саволлар ёрдамидаги ёзма иш - саволлар имтиҳондан бир қанча муддат аввал тарқатилади.</p>	<p>16</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тадқиқот кўникмалари; ➤ манбалардан фойдаланиш маҳорати; ➤ таҳлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти; ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ қисқа муддат ичида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои ифодалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
<p>✂</p>	<p>В Китоблар очик бўлган ҳолда ёзма иш - имтиҳон пайтида дарслик ва бошқа материаллардан фойдаланишга рухсат берилади.</p>	<p>15</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равои ифодалаш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати; ➤ китоб билан ишлаш кўникмаси;
	<p>Г Тестлар</p>	<p>14</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти; ➤ тиғиз вақт шароитида ишлаш қобилияти; ➤ билимларни тадбиқ қила олиш

✂			<p>қобилияти;</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ билимларни синтезлаш маҳорати; ➤ билимларни тўғри талқин қилиш қобилияти; ➤ тез қарор қабул қилиш маҳорати;
Д	Лаборатория ҳисоботлари, қайдлари	13	<ul style="list-style-type: none"> ➤ кузатиш кўникмалари; ➤ синовлар ўтказиш кўникмалари; ➤ таҳлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти; ➤ натижаларни талқин қилиш ва баҳолаш маҳорати;
✂			
Е	Кузатув ўқув кундалик дафтарини юритиш	12	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ёзма маълумотни тақдим қилиш маҳорати; ➤ маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати; ➤ исботлаш маҳорати; ➤ ташкилий ва режалаштириш маҳорат
✂			
Ж	Рефератлар	11	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш кўникмаси; ➤ танқидий баҳолаш; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равоён ифодалаш маҳорати; ➤ танқидий муҳокама қилиш маҳорати
✂			
З	Ҳисоботлар	10	<ul style="list-style-type: none"> ➤ маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш кўникмаси; ➤ танқидий баҳолаш; ➤ ўз фикрларини ёзма шаклда равоён ифодалаш маҳорати; ➤ танқидий муҳокама қилиш маҳорати; ➤ билимларни амалиётга тадбиқ эта олиш қобилияти;
✂			
И	Диссертациялар	9	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тадқиқ қилиш малакаси; ➤ танлаш кўникмаси; ➤ режалаштириш қобилияти; ➤ лойиҳани бошқариш маҳорати; ➤ танқидий фикрлаш; ➤ презентация қилиш маҳорати.
✂			
К	Адабиётлар/ матбуотни шарҳлаш	8	<ul style="list-style-type: none"> ➤ адабиётларни (мақола ва б.) танқидий ўрганиш кўникмалари; ➤ баҳо бериш; ➤ хулосалар чиқариш; ➤ ўз нуқтаи назарини ифодалаш
✂			

			маҳорати;
Л	Презентациялар (якка/гурӯҳ тартибида)	7	<ul style="list-style-type: none"> ➤ нотиклик маҳорати; ➤ имо-ишоралар тили; ➤ кўргазмали қуроллардан фойдаланиш кўникмалари; ➤ маълумотни тақдим қилиш ва структуралаштириш кўникмалари; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш маҳорати; ➤ жамоа (команда) да ишлаш кўникмалари; ➤ ишни тўғри тақсимлаш;
✂			
М	Плакатлар (якка/гурӯҳ тартибида)	6	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ижодий маҳорат; ➤ кўргазмали қуроллар тайёрлаш маҳорати; ➤ графика тақдими кўникмалари; ➤ хулосалаш кўникмалари; ➤ танлаш кўникмалари; ➤ фанга тегишли билимлари; ➤ жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари ;
✂			
Н	Муайян ҳолатлар (Case studies)	5	<ul style="list-style-type: none"> ➤ муаммоларни ечиш қобилияти; ➤ назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш қобилияти; ➤ қарор қабул қилиш қобилияти;
✂			
О	Оғзаки имтиҳонлар	4	<ul style="list-style-type: none"> ➤ тўғри ва ишончли сўзлаш; талаффуз; ➤ фикрни қисқа муддат ичида кенгайтирмоқ; ➤ фанга тегишли билимлар; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш кўникмалари;
✂			
П	Гурӯҳ лойиҳалари	3	<ul style="list-style-type: none"> ➤ режалаштириш маҳорати; ➤ ишни тўғри ташкил қилиш ва уни бошқариш қобилияти; ➤ жамоа (команда) да ишлаш кўникмалари; ➤ масалаларни ечиш қобилияти; ➤ ижодий маҳорат; ➤ назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш қобилияти; ➤ таҳлил қила олиш қобилияти; ➤ ҳисоботлар ёзиш кўникмалари;
✂			
Р	Портфолио	2	<ul style="list-style-type: none"> ➤ портфолио компонентлари ва ўтган вақтга қараб ўзининг ўсиш даражасини кўра олиш

✂			кўникмалари; ➤ вақтни тўғри режалаштириш махорати; ➤ жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари;
С	Кўрғазмалар	1	➤ ижодий махорат; ➤ тузилма (структура)ни тушуниш; ➤ кўрғазмали қуроллардан фойдаланиш кўникмалари; ➤ маълумотни тақдим қилиш ва структуралаштириш кўникмалари; ➤ одамлар билан тўғри муомалада бўлиш кўникмалари;
✂			

Библиография

- Андерхил, А. (2000) Фасилитация в преподавании языков. Mimeo. Unpub.
Бигс, Д. (1999) Качественное обучение в Университетах. Open University press, Buckingham

Рекомендуемая литература

- Воронцов А.Б. Некоторые подходы к вопросу контроля и оценки учебной деятельности учащихся // Начальная школа.- 1999.- №7.-С.61-71.
- Гузеев В. Оценочные шкалы в образовательной технологии // Народное образование.- 2002.- №5.- С.115-120.
- Карелин К. Балльно-рейтинговая система оценивания учащихся // Математика: Прил. к газ. «Первое сентября».-1999.- №42.- С.4-7.
- Михалева Т.Г., Хлебников В.А. Единый государственный экзамен и проблемы итоговой оценки достижений // Стандарты и мониторинг в образовании.- 2002.- №3.- С.17-22.
- Педагогика: педагогические теории, системы, технологии: Учеб. для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений/ С.А.Смирнов и др.-М.:Академия,2001.- 512с.
- Писарев В., Писарева Т. Зацени продукт! Сначала определи что достигнуто, а потом уж выставляй отметку // Сто друзей: Прил. к «Учительской газете».- 2000.-№11.- С.2.
- Философия оценки // Учительская газета.-2002.- №12.- С.8-9.
- Цукерман Г. Оценка без отметки.- М.-Рига: Эксперимент, 1999.- 133с.

Электронные материалы

- Болонский процесс в России. Доступно на
http://www.bologna.mgimo.ru/mgimo.php?cat_id=24
- Критерии оценки знаний по 10 бальной шкале. Доступно на
http://4afportal.kulichki.ru/index.files/index1_kriterii.htm
- Образовательная сеть Центральной и Восточной Европы. Доступно на
http://www.see-educoop.net/education_in/pdf/enqa-survey-oth-rsn-t02.pdf

Орлов, А. Человекоцентрированный подход в психологии, психотерапии, образовании и политике. Доступно на

<http://www.trialog.ru/library/scipubl/rogers100.html>

Проектный метод – ключ к развитию навыков автономного обучения. Доступно на

<http://alumni.iatp.org.ua/publications/files/2005051817103175.doc>

Создана компьютерная программа, распознающая студенческий плагиат.

Доступно на

<http://www.rambler.ru/db/news/msg.html?mid=1656246>